# BOBUR KUTUBXONASI

МАЪНАВИЙ - МАЪРИФИЙ · ЖУРНАЛ · ДУХОВНО - ПРОСВЕТИТЕЛЬСКИЙ

2/2024

ISSN 2181-3280



**Дўстлар дийдори-ю, кўнгил изҳори!**
3-бет

**Устозни эътироф этиш – олий фазилат**
7-бет

**Библиотеки моей новой Родины**
9-бет

**Ҳамдўстлик кутубхоналарининг таълим соҳасидаги ҳамкорлиги**
12-бет

**Русский язык – язык мира и дружбы**
16-бет

**Адабиёт майдонининг ижод вакиллари**
30-бет






# *Журналга*

## *обуна давом этмоқда*













**Индекс:**
**№ 1399**













## *Продолжается подписка на журнал*

*Контакт: (74) 223-79-80* *Веб сайт: jurnal.libbobur.uz*

# BOBUR KUTUBXONASI

№ 2 (8) 2024

Маънавий - маърифий журнал

З.М.Бобур номидаги Андижон вилояти ахборот-кутубхона маркази томонидан 2022 йилдан нашр қилинмоқда.

Ҳар чоракда 1 та сон чиқарилади -ўзбек, рус ва инглиз тилида

<u>Мухаррир</u>
О.Ахунжанова

<u>Техник мухаррир</u>
И.Мухтаров

<u>Таҳрир кенгашининг раиси</u>
Г.Исмаилова




**З.М.Бобур номидаги Андижон вилояти ахборот-кутубхона маркази**


Духовно просветительский журнал

Издаётся Андижанским областным информационно - библиотечным центром имени Бабура

Выходит ежеквартально на узбекском, русском, английском языках.

Редактор
О.Ахунжанова

Технический редактор
И.Мухтаров

Председатель редакционного Совета
Г.Исмаилова

# МУНДАРИЖА


**ҲАМКАСБЛАР ҲАҚИДА**
Дўстлар дийдори-ю, кўнгил изҳори!
Хафиза Каримова.................................. 3

Устозни эътироф этиш – олий фазилат
Қўлдошев Авазбек Абдураҳмонович...... 7

**ДУНЁ КУТУБХОНАЛАРИ**
Библиотеки моей новой Родины
Мирошниченко Елизавета..................... 9

**ХАЛҚАРО АМАЛИЁТ**
"Ҳамдўстлик кутубхоналарининг таълим соҳасидаги ҳамкорлиги" халқаро лойиҳанинг тўртинчи мавсуми якунланди
Илхомжон Мухтаров.............................. 12

**ҲАМКОРЛИК ЖИХАТЛАРИ**
Русский язык – язык мира и дружбы
Абдулхакимова Гулчеҳра....................... 16

Внииманию читателей! Продолжаем освещать ход проекта «Школа читательской культуры»......................... 18

Литературный суд.................................. 21

**КУТУБХОНА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МАЪНАВИЯТ МАКОНИ**
Вместе мы сила
Ольга Ахунжанова................................. 23

"Кутубхона - маънавий хазина"
Умида Эгамбердиева............................. 28

**ЎЛКАМИЗ СОЛНОМАСИ**
Адабиёт майдонининг ижод вакиллари............................................. 30

**КАСБИ - ФАХРИ БЎЛГАН КУТУБХОНАЧИ**
Умида Кадирова билан суҳбат................ 38

**КИТОБХОН УНИВЕРСИТЕТИ**
Бой бўлишни хоҳлайсизми?
Тўлкин Сиддиқ....................................... 41

Подарите детям счастье
Наргиза Касымова................................. 44

**МАШҲУР ВАТАНДОШЛАР**
Жизнь, отданная служению отечеству... 45

**ҲАМКАСБЛАР ҲОТИРАСИ**
Рассом Абдуллажон Жўрабоев хотирасига............................................... 47



Журнал 2021 йил 17 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан № 1212 рақам билан рўйҳатга олинган.

Манзил: Андижон шаҳар, А.Фитрат кўчаси 232-уй.

Журналдан кўчириб босилганда "Bobur kutubxonasi" маънавий-маърифий журналидан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Босмахонага 10.06.2024 йилда берилди.
Босишга 25.06.2024 йилда руҳсат берилди.
Қоғоз формати 60х84 1/8.
Нашриёт ҳисоб табоғи 6,5.
Адади 100 дона.

Журнал "ASR IMKONI 1991" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Андижон вилояти, Улуғнор тумани Ёшлар кичик саноат зонаси 1 уй
Тел: +99893 647 12 12

**АЛОҚА УЧУН МАЪЛУМОТ:**

Манзил: Андижон ш.,
А.Фитрат кўчаси, 232-уй.
Тел.: 74-223-79-80
E-mail: andijan@natlib.uz
Телеграм: t.me/andakmbot
Веб сайт: andijan.natlib.uz

# ДЎСТЛАР ДИЙДОРИ-Ю, КЎНГИЛ ИЗҲОРИ!



**Каримова Ҳафиза Қўлдашевна**

Тошкент шаҳар “Билим” ахборот-кутубхона маркази директори

*.....давоми (боши 1/2024-сонда)*

Севимли устозимиз Ғайрат Соатов ҳам учрашувга бориш ниятида ўша куни Тошкентга келиб, ўғлиникига тушган экан. Чорсудаги “Миллий таомлар” кафесида у киши бошчилигида “мини” учрашув бўлиб ўтди. Шаҳзод ака бу ерда жуда кўп қизиқарли воқеаларни сўзлаш билан бирга ўзбек шеъриятидан намуналар ўқиб бердики, ҳаммамиз лол қолдик. Шунча вақт ўтса-да, ўзбек тилини унутмай, тоза гапиришига таҳсин айтмай иложи йўқ эди. Бизнинг ёшимиздагиларда ҳам хотира сусайишидан нолишлар бор. Шаҳзод ака биздан ёши катта бўлишига қарамасдан, жуда кўп шеърларни ёд билар экан.

У суҳбат давомида менинг ҳаётим ва фаолиятим билан қизиқди. Даврадаги дўстларим ва устозимиз Ғайрат Соатович менинг ҳозир Тошкентдалигим, 2009-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати бўлганим, соҳамиз бўйича “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги асосий Қонун лойиҳасини ишлаб чиқилишида ва қабул қилинишидаги иштирокимни сўзлаб, барчалари бу билан албатта фахрланишларини айтдилар. Шахзод ака бу ютуқларга худди ўзи эришгандек астойдил қувонди ва беғубор тилакларини билдириб, дуо қилди. ►



Дедики:

– Менинг ҳам ижодий режаларим бор эди. Дўстим Ойбек Копадзе билан театр ташкил этишни орзу қилардик, лекин афсуски, тақдир мени ўзга йўллардан олиб кетди... Кетганимга 34 йил бўлган бўлса-да, барибир туғилиб ўсган қишлоғимни, беғубор болалигим ўтган маҳалламни, мактабимни, сизларни, Она-Ватанимни мунтазам соғиниб яшайман...

Юрагимиз устидан намхуш ёмғир ёғиб ўтгандек бўлди.

У суҳбат асносида Туркияда бўлиб ўтган зилзила, унинг оқибатлари ва қатор давлатларнинг кўрсатган моддий ва маънавий кўмаги ҳақида сўз очди.

– Айниқса, Ўзбекистонимдан юртдошим шоир Бобур Бобомуроднинг ёзган бир шеъри унутилмас воқеа бўлди, – деб таъкидлади, ҳамда ўша шеърни ўқиб берди.

Шу билан бирга, Ойбек Копадзе деган энг яқин дўстим, ижодий ҳамкорим бор, уни ва Бобур Бобомуродни топишнинг имкони бормикин, юзма - юз кўришмасам ҳам, телефонда гаплашсам бахтиёр бўлардим, деди. Мен ҳам хурсанд қилгим келиб, нафақат гаплашасиз, албатта кўришасиз, деб юбордим.

Хуллас, ўша пайтнинг ўзида интернетдан Ойбек Копадзенинг расмини топиб, кўрсатдим, Алоқа вазирлиги ва Маданият вазирлиги билан боғланиб, телефон номерини топдимда, гаплаштирдим, Меҳмонхонада учрашув соатини белгиладик. Бобур Бобомурод касбий фаолиятимни амалга оширишимда доимий ҳамкорим бўлганлиги учун, топиш осон бўлди, у билан ҳам телефонда гаплашдилар, у ҳам учрашишга рози бўлди, вақтини келишиб олдик.

Шаҳзод ака ҳеч бизни қўйворгиси келмасди, кеч соат бешгача бирга бўлдик. Бир кулади, бир йиғлайди хурсандлигидан...

Назаримда худдики, ёз ила куз бирга келгандек.



## *40 ЙИЛЛИК УЧРАШУВ ВА ХАЙРЛАШУВ*

***"ДИЙДОР ШИРИН" - 2023 йил 3 май.***

Ва ниҳоят орзиқиб кутилган кун етиб келди...

40 йиллик юбилей учрашувга устозларимиздан Ғайрат Соатов, Рустам Холматов, Лутфулло Маҳмудов, Шаҳобиддин Насритдинов, Комилахон опа Дадабоева, Озодахон опа Холматова ва Носиржон Отажоновларнинг ташриф буюриб, даврамиз тўрини тўлдириб ўтиришлари, ҳар бирининг бизга аталган табрик сўзлари, билдирган тилаклари етмишдан ортиқ курсдошларимизга чексиз қувонч бағишлади.

Уммон ортидан, Америка Қўшма Штатларидан дўстимиз, курсдошимиз Шаҳзод аканинг етиб келгани айниқса завқли ва қувончли эди. **"Дийдор ширин"** онларини мазмунли ва кўтаринки кайфиятда ўтишида Қодирхон ака ва Норқўзи акаларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш зарур: Наманган боғидаги кафе шинам безатилган эди, куй ва қўшиқлар бир-бирига уланиб, вақтимизни шоду-хуррамликда ўтказишимизга замин яратди.

Шаҳзод ака билан ҳаммамиз дилдан суҳбат қурдик, оҳанрабо қўшиқларга бирга ўйнадик ва эсдалик расмларини тарихга муҳрладик. Хуллас, бу галги **"Дийдор ширин"** онларининг нашъу намоси, сурури, шукуҳи унутилмас бўлди...

***40 йиллик учрашувдан кейин хайрлашув онлари.***

***2023 йил 7 май***

Намангандаги курсдошлар учрашувидан кейин ҳамма ташриф буюрган устозлар, дўстлар, қизлар, йигитлар билан қалбда хаяжон, ўшандаёқ бошланган соғинч билан хайрлашдик, кейинги дийдоргача бир-биримизга соғ-саломатлик, яхши ниятлар тилашдик. Тез-тез учрашиб туриш режалари билан ўртоқлашдик. Энди учрашувни бир йилда 2 марта ўтказишга ҳам рози бўлдик.

Тошкентга келгандан кейин, олдиндан келишилганига кўра, 7 май, якшанба куни шоир Бобур Бобомурод билан учрашувимиз бўлиб ўтди. Ҳайитбой, мен, Шаҳзод ака ва шоир камтарона дастурхон атрофида шинам суҳбат қурдик. ►







Бу учрашувда Шаҳзод ака шоир томонидан Туркия халқига атаб битилган мисраларни шунақа кўтаринки туйғу билан, маромига етказиб ўқиб бердики, ҳаммамизнинг қалбимиз ларзага келди... Шоир ҳатто ўрнидан туриб, Шаҳзод акани қаттиқ бағрига босди ва миннатдорчилик билдирди...

***Шаҳзод ака билан 40 йилдан кейинги учрашув қанчалик гаштли ўтган бўлса, хайрлашув онлари шунча қийин бўлди...***

Ота-бола 8-май, душанба кунига билет олишган эди. Кузатишга Ҳайитбой билан Кучали борадиган бўлди, мен эса шоир билан учрашувдан кейин “Шодлик” меҳмонхонасига кузатиб қўядиган бўлдим.

Меҳмонхона билан катта трасса оралиғи 500 метр чамаси келар... Хайрлашдик, мен такси чақираман десам, Шаҳзод ака кириб кетмади, кузатиб қўяман, деди, рози бўлдим.

Хуллас мана шу масофани қайта-қайта бир-биримизни кузатиш асносида босиб ўтдик, тарихга қайтдик, дилдан суҳбатлашдик...

Ўша онларда Шаҳзод ака оиласида бўлиб ўтган воқеалардан сўзлаб берди. Буларнинг барчасини китобга, тарихга муҳрлашга арзийди...

Воқеа китобда давом этади... ■





**ҚЎЛДОШЕВ АВАЗБЕК АБДУРАХМОНОВИЧ**
Ўзбекистон Республикаси Халқ Таълими аълочиси,
Ахборот-кутубхона аълочиси.

# УСТОЗНИ ЭЪТИРОФ ЭТИШ – ОЛИЙ ФАЗИЛАТ

***АННОТАЦИЯ:***

*Кого считать учителем? Таким вопросом задается автор статьи. Лично он своим первым учителем считает того, кто научил писать, читать, а также учителей, которые научили его профессии, служению которой он отдал 42 года.*

Устоз ким? Устоз бизга харфни танитган, ёзишни ўргатган, китоб мутоала қилишга йўлланма берган биринчи ўқитувчимиздан бошланиб яшаш, ўқиш, ўрганиш ва ҳаётда фаол бўлишга ундаган шу йўлда хавасимизни келтирган наъмунавий сиймога эга бўлган улуғ инсонлардир. Мен учун ҳам харф танитган, ёзишни ва ҳавасимни ўзига ром этган инсонларга тенглашишим учун эса энг зарур хислат-ўқиш, мутолаани ва ўқиш мақсадида ўқишни одатланишга ундаган биринчи устозим – ўқитувчимдир. Инсон равон ҳаёт йўлига чиқиб олиши, сўнгра унда кўнгилдагидек яшашни давом этишга етишгунча қанчадан-қанча қийинчилик, тўсиқ ва муаммоларга рўбаро бўлади.

Уларни барини енгиб ўтишга ўша устозларнинг ўгитлари ёрдам беради. Ўрта мактабни битириш арафасида мен ҳам барча тенгдошларим сингари энг олий касб-ўқитувчи бўлишни жуда-жуда хоҳлаганман, лекин, менда бунга журъат етишмади шекили кейинчалик ҳуқуқшунос бўлишга интилдим.

**Афсуски, университетни ҳуқуқшунослик факультетига имтиҳонлардан ўта олмадим. Ўша даврларда имтиҳондан йиқилиб, олийгоҳга кира олмаслик жуда уят ҳисобланган.** ▶

**Шу сабабли Тошкентдан келган поезддан эрталаб тушган бўлсам ҳам токи кечгача Андижонда “айланиб” юриб уйига кўчада одамлар қолмаган маҳалда кириб бордим**

Эртасига саҳар яна одамлар кўчага чиқмай ўша пайтда чўл ерларни ўзлаштираётганлар орасида “беркиниш” учун Улуғнорга кетдим. Келгуси йил олийгоҳларга қабул бошлангунга қадар савхозда ишчи бўлиб ишладим, деҳқончилик қилдим. Ҳаётни қувонч ва ташвишлардан тотдим. Ўқишга кириш учун Тошкентга бораётган поездга чиқиб ярим йўлга етгунимга қадар ҳам менда қайси олийгоҳга кириш бўйича аниқ мақсад йўқ эди....

Нонушта қилиш учун столга “дастурхон” сифатида ёзилган газетадаги янги очилган ва дастлабки қабул бошланган Тошкент Давлат Маданият олийгоҳи тўғрисидаги эълонга кўзим тушиб қолди ва менда “янги институтга объектив сабабларга кўра унга киришни хоҳловчилар нисбатан камроқ, мени имтиҳонлардан ўтиб институтга кириш имкониятим эса кўпроқ бўлади” деган умидда ҳужжатларимни ўша олийгоҳнинг кутубхонашунослик бўлимига топширдим. Омад кулиб боқди.

Олийгоҳдаги дастлабки ўқиш давримда ким бўлиб етишиш эмас балки, олий маълумотли дипломимни олсам, сўнгра бошқа ўзим қизиққан касб бўйича ўқишга кириш осон бўлиш ишончида юпандим. Лекин, энг қизиқарли ҳол сал кейин асосий мутахассислик бўйича фанларни ўтилишидан бошланди. Мутахассислик бўйича фанларнинг асосийларидан Эргаш ака Юлдашев (оллоҳ раҳмат қилсин) дарс берар ва шу билан бир қаторда группа раҳбаримиз ҳам эди. Устознинг ўз фанига меҳри, касбига бўлган эъзози ва кутубхоначилик касбини таърифлашда сўз билан ифодалаб бўлмайдиган ғурури ва дарс ўтиш маҳорати менда ўзига нисбатан ҳавас уйғотишга сабаб бўлди.

У кишининг дарсларига, амалий машғулотларига бефарқлик муносабатида бўлиш талабаларни эсига ҳам келмасди, шунингдек мутахассисликни эгаллаш бўйича машғулотларда ўта талабчанлиги ҳам ҳеч кимни ғашини келтирмаган. Айниқса, кутубхоначи зиммасидаги маъсулият ва талабларни шунингдек, бу касб энг қизиқарли савоб - барорлиги ва асосийси энг ўқимишли кишилардан бири бўлишини фахр билан онгимизга сингдирди. Яна устознинг: кутубхоначининг ахборот дунёқараши ўқув фани (предмет) ўқитувчисининг ахборот дунёқарашидан анча кенг (аслида ҳам шундай бўлиши шарт), чунки у муайян ахборот маконида яшайди ва ҳамма вақт энг охирги янги ахборот янгиликларидан воқиф бўлиб туради. Кутубхоначига анъанавий кутубхона-библиографик манбалар, ахборот фонди ҳамда китобхон яқиндир. Китобхон эса ўзи олган сўнги ахборотни кўп холларда биринчи навбатда китобхон билан баҳам кўришни ҳоҳлайди. Шу сабабли ҳам кутубхоначининг энг яқин “сирдоши”- китобхон уни ўзи ўқиб улгурганидан ҳам кўпроқ ахборот-дан воқиф қилувчи жонли манбадир, ундан умуман фойдаланиш эса маҳоратдир деган сўзлари мен учун дастури амал бўлди. Устоз шундай олий инсоний ибрати билан мени шу соҳада фаолият бошлашимга ва узоқ йиллар мобайнида ишлашимга сабабчи бўлди, мен у инсонни шогирдларидан бири бўлиб етишганим билан фахрланаман.

Олийгоҳни битириб ўз юртимда ишлашга йўлланма олдим. Йўлланма асосида 1978 йили Бобур номидаги Андижон вилояти илмий-универсал кутубхонасининг илмий-услубият бўлимида иш фаолиятимни бошладим. Фаолиятим давомида институтда устозимдан олган илмий ва қисман амалий билимларим асқотди, лекин ҳақиқий соҳани эгаси бўлишда бу камлик қилди. Кутубхона соҳасининг жамиятни шакллантиришда тутган ўрни ва аҳамияти, кутубхона ходимларининг олдига қўйилган вазифалар ҳамда уларни бажарилишини қай даражадалигига боғлиқ бўлган масалаларни англаб етишимда ва энг асосийси кутубхоначилик ишини таҳлиллар асосида ташкил этиш лозимлигини ишдаги талабчанлик кабиларни устозим Ольга Юсуповнадан ўргандим. Шу тариқа умумий иш стажимдан 42 йили шу соҳани ташкил этди. Хуллас, ҳаётимда эришганларимнинг барчасига устозларим сабабчи бўлишган, шунинг учун ҳам улар олдида бош эгаман ва уларга таъзим қиламан. Ўзимдаги тўпланган билим ва тажрибаларимни тўлалигича шогирдларимга улашиш иштиёқида яшайман. Ота-боболаримиз томонидан “Устоз отангдай улуғ” деб таъкидланиши айни ҳақиқатлигига яна бир бор амин бўлдим. ■




# Библиотеки моей новой Родины



**Елизавета Мирошниченко**

В Андижанской областной библиотеке Бабура / Узбекистан  я проработала недолгое время. Но это время осталось в моих воспоминаниях как самое дорогое время. Все было по моему сердцу: место работы, коллектив и круг моих обязанностей. Я предоставляла возможность читателям пользоваться фондами библиотек всего  Советского Союза. Мои читатели, а я действительно считала их своими, перед которыми у меня особенная ответственность, получали  книги для работы по заказу из библиотек не только Узбекистана, но и Москвы, Ленинграда и других городов. Этой формой обслуживания пользовались в нашей библиотеке 140 человек из числа ученых, соискателей на научное звание, практикующих экономистов и инженеров, студентов и других сфер деятельности. В среднем отправлялись заказы в более, чем  60 библиотек, из них по республике – 24 и  в другие республики  более  30, среди которых были библиотеки всех ведомств-системы Министерства культуры, профсоюзные, технические и другие.

И не было более счастливого человека, чем я, когда я вручала своему читателю книгу, которую он уже не надеялся найти, а я исполнила его мечту. Наша библиотека и сама активно исполняла заказы других библиотек. Так, в 1982 году около ста книг было выслано по запросу других библиотек. Активно обслуживались  читатели по телефону и по почте. Это была живая и важная работа. Поэтому сектором МБА и ЗА проводилась справочно - библиографическая работа с читателями и методическая работа с районными и городскими библиотеками в виде консультаций, справок по вопросам правил заполнения бланк-заказов и активного использования межбиблиотечного абонемента.

Жизнь сложилась так, что я уже **длительное время проживаю в г. Холон в Израиле.** Но общение с моими бывшими коллегами по работе в Андижанской областной библиотеке остается для меня  важной духовной частью моей жизни. И когда я узнала, что библиотека имеет свое периодическое издание «Bobur kutubhonasi» я стала его читательницей, за что безмерно благодарна интернету. И мне хочется рассказать читателям журнала о библиотечной сфере моей новой Родины.

Нужно отметить, что в Израиле присутствуют национальные, университетские, муниципальные и другие библиотеки - библиотеки общин, различных обществ, организаций, а также библиотеки при религиозных  учебных учреждениях - раввинских семинариях. ►

Библиотеки содержат в своем большинстве издания всех видов на русском языке, кстати, часть их получена в дар.. Ведь каждый, приехавший в Израиль конечно же вез свои любимые книги. И многие из приехавших сдавали эти книги в Иерусалимскую городскую русскую библиотеку. Сейчас эта библиотека является богатейшим хранилищем изданий на русском языке.

Здесь вообще очень развито меценатство, так меценатом Иерусалимской городской русской библиотеки стал российский ветеран Великой Отечественной войны Борис Анатольевич Вассерман, ныне живущий в Калининграде.

Он завещал библиотеке свои книги и немалые деньги. А тем, что библиотека переехала в новое здание, она обязана Морту Цукерману, богатейшему предпринимателю и меценату который предоставил ей свое помещение.

Для меня были новинкой общественные библиотеки, которые были организованы несколько лет назад для удобства населения в рамках проекта «Станционная библиотека». На станциях следования поездов по всей стране расположены книжные стеллажи с книгами на русском, английском и прочих языках.. Пассажир может взять книгу на одной станции, читать ее по пути следования и на своей конечной станции вернуть, положив ее на книжный стеллаж. При этом на некоторых станциях есть удобные сидения для чтения, если не дочитали до интересного места или есть время для пересадки, можно комфортно расположится на станции и дочитать.

Ну я первое, что выбираю для посещения в порядке культурного развития – это муниципальная библиотека, которая находится в культурном центре Медиатек, включающий кинотеатр для детей и зал для театральных представлений медиатека Холон, так называются здесь библиотеки, которые расположены в красивых современных зданиях.

Мое знакомство с библиотекой началось с того, что я, как бывший библиотекарь, обращала внимание на расположение книжного фонда, на его состав, комфорт получения информации, книг. Сразу отмечу, что здесь и формы обслуживания и учета совсем другие.

Во -первых: фонды представлены в большей степени всеми жанрами художественной литературы, я не встречала на стеллажах отраслевую литературу.









При этом просторное помещение располагает соблюдению нормативов расстояния между стеллажами для удобства выбора книги читателями. Кроме того, прямо у стеллажей располагаются тележки, на которых выставлены для внимания читателям новинки.



Ну а если есть надобность получить информацию из интернета, то к вашим услугам читательский стол с компьютером.



Да, хочу заметить, что в муниципальных библиотеках бесплатное обслуживание. Но в самом начале при записи читатель, беря абонемент на 1 книгу, платит 80 шекелей ( в долларах 22,2) Книгой можно пользоваться годами. А при возврате книги, если больше нет надобности пользоваться библиотекой, читателю возвращается его взнос в полной сумме. Для читателей, пришедших позаниматься в библиотеке, также обустроен непосредственно у книжных стеллажей стол, за которым можно не спеша просмотреть книгу и сделать выбор. И еще, здесь нет планов охвата читателей, книговыдачи, не существует передвижных пунктов выдачи. Главным приоритетом обслуживания читателей является создание комфорта для получения библиотечных услуг.

Прошло очень много лет, но я помню читательские клубы, самодеятельный театр при секторе музыки и искусства областной библиотеки имени Бабура, которые пользовались популярностью у учащейся молодежи и студенчества города Андижана.. Поэтому мне было приятно узнать, что эта традиция продолжается и сегодня. Хочу отметить, что по своим задачам мне близок читательский клуб «В мире женщин», цель которого поддерживать и развивать межнациональные отношения и межнациональную толерантность на основе общения на русском языке.

Хочу сказать, что и у нас в Израиле есть такой клуб, который открылся совсем недавно, в ноябре 2022 года, но только не на базе библиотеки, а на базе отдела интеграции Хайфского городского управления интеграции.

Обществу любой страны библиотеки важны прежде всего тем, что это доступ к знаниям и культуре, они первое прибежище для тех, кому информация - это вектор правильной оценки событий в мире, это возможность постоянно пополнять свой багаж знаний с тем, чтобы стать личностью.

И потому я решила рассказать на страницах периодического издания областного центра информационно – библиотечного центра имени Бабура, библиотеки, которой я отдала 8 лет своей трудовой жизни, о своих впечатлениях в качестве читателя об организации и специфике обслуживания книгой в библиотеках другой стране. Надеюсь, что каждый читающий эту статью, расширит свои познания о том, что хорошая библиотека – это библиотека, где каждому посетителю предоставляются комфортные возможности для развития цивилизации через пополнение знаний. ■

# “ҲАМДЎСТЛИК КУТУБХОНАЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИГИ” ХАЛҚАРО ЛОЙИҲАНИНГ ТЎРТИНЧИ МАВСУМИ ЯКУНЛАНДИ





**Илхомжон Мухтаров,**
Бобур номидаги Андижон вилояти ахборот-кутубхона маркази Ахборот-технологиялари ва инновацияларни жорий этиш бўйича директор ўринбосари

***Аннотация:*** *Автор статьи делится своими впечатлениями об участии в двухэтапном проекте «Образовательная коллаборация библиотек Содружества - 2024», который проходил с 15 апреля по 24 мая. В течении этого времени в Российской Государственной, в Национальной библиотеке Республики Татарстан и на всех крупных культурных площадках Москвы и Казани 50 участников в ходе семинаров, конференций, презентаций лучших практик в библиотечной сфере, делились своими наработками, интересным опытом, инициативами и идеями. Свыше 1500 специалистов со всей России, специальные гости из зарубежных стран (Беларуси, Индии, Ирана, Китая, Кубы, Сербии) совместно с участниками проекта обсуждали будущее библиотечной сферы. Значимыми для участников стран Содружества стали встречи с генеральным директором Российской государственной библиотеки, президентом Библиотечной Ассамблеи Евразии Вадимом Дудой, руководителем Россотрудничества Евгением Примаковым и другими руководителями и организаторами данного проекта, которые указали вектор будущего библиотек и создали возможности упрочить связи с коллегами из стран Содружества.*

2024 йил 15 апрелдан 24 майга қадар Россия Давлат кутубхонаси Россотрудничество билан ҳамкорликда тўртинчи марта “Янги авлод” дастури доирасида икки босқичли кенг кўламли лойиҳани амалга оширди. Лойиҳада Россия ва хорижий мамлакатлардан Озарбайжон, Арманистон, Беларусия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистондан республика, вилоят, туман ва идоравий кутубхоналар вакилларидан иборат 50 нафар 25 ёшдан 35 ёшгача бўлган ёш мутахассислар иштирок этдилар.

Лойиҳанинг биринчи босқичида масофавий тарзда 15-26 апрел кунлари иккита малака ошириш дастури – **“Блоглар ва ижтимоий тармоқларда мулоқот: стратегия ва тактика”** ва **“Мулоқотни бошқариш: бошқарув психологияси”** мавзуларида **“iSpring Learn”** платформаси орқали жами 32 академик соатлик тренинглар ташкил этилди. Масофавий тренинг якунида барча иштирокчилар

онлайн тарзда тест синовларида қатнашдилар. Ўтказилган тест синови натижасига кўра барча иштирокчилар муваффақиятли ўтганлиги аниқланди.



Лойиҳанинг иккинчи босқичи 17 май куни Россия Давлат кутубхонасида бошланди. Кутубхонада “Янги авлод” дастури “Таълим” блокининг тантанали очилиши бўлиб ўтди. Семинар давомида “Ҳамдўстлик кутубхоналарининг таълим соҳасидаги ҳамкорлиги”, “Осиё ёш етакчилари” ҳамда рус тили “**InterRussia**” лойиҳалари бўйича хорижий мутахассислар учун амалий машғулотлар бўлиб ўтди.



“Таълим” блокининг очилишида ўтказилган семинар тренингда Россия Давлат кутубхонаси бош директори, Евроосиё кутубхоналар ассамблеяси президенти Вадим Валериевич Дуда иштирокчиларга мурожаатида “Кутубхоналарнинг келажаги жуда катта, чунки биз ҳаммамиз китоблар цивилизациясимиз, ақлли китобларда ёзилганларга ишонишимиз керак. Ахир китоб ўқийдиганлар телевизор кўраётганларни ҳамиша назорат қиладилар” –деб таъкидлади.

Семинарда Россотрудничество раҳбари Евгений Александрович Примаков, А.М. Горчаков номидаги Халқ дипломатиясини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ижрочи директорининг ўринбосари Виктория Георгиевна Карслиева, А.С.Пушкин номидаги рус тили давлат институти таълимни ривожлантириш ва рақамлаштириш бўйича проректори Дина Анатольевна Горбатова, Олтой давлат университетининг халқаро фаолиятни ривожлантириш бўйича проректори Роман Ильич Райкинлар ҳам иштирок этдилар.

Россотрудничество раҳбари Евгений Александрович Примаков лойиҳанинг мақсади ҳақида гапирар экан, шундай деди: “Бизнинг мазмунли алоқаларимиз, олган билим ва тажрибамиз бизни янада яқинлаштиради ва янада яхшилайди. Бу бизнинг мақсадимиз – танишув нафақат ёқимли ва қизиқарли, балки келажакдаги қўшма ташаббусларни шакллантириш учун ҳам фойдали бўлади”.



“Янги авлод” дастури бўйича ёш мутахассислар ўзларининг халқаро ҳамкорлиги соҳасидаги илғор тажрибалари билан ўртоқлашдилар.



Ленин номидаги Россия Давлат кутубхонасининг кутубхона ва ахборот хизматлари бўлими сектори мудири Анжелика Александровна Лангольф тингловчиларни Россия Давлат кутубхонасининг электрон ресурслари ва улардан фойдаланиш имкониятлари билан таништирди.

Иштирокчиларга лойиҳанинг кутубхона муҳитида истиқболлари ва долзарблиги, қўшни мамлакатларда умумий гуманитар ва касбий макон яратишдаги аҳамияти ҳақида хулосалар берилди.

Лойиҳа доирасида турли мамлакатлардан ташриф буюрган ёш мутахассислар бир-бирлари билан барқарор мулоқот яратиш, профессионал алоқаларини ўрнатиш ва узоқ муддатли ҳамкорлик ишларини йўлга қўйишни ўзларига мақсад қилиб олдилар.



Лойиҳа иштирокчилари 20-22 май кунлари Қозон шаҳрида Россия кутубхоналар ассоциациясининг XXVIII конференцияси: “Бутунроссия кутубхона конгресси”да иштирок этдилар. Лойиҳанинг энг ёрқин воқеаларидан бирига айланган конгресснинг тантанали очилишида ёш делегатларни Россия кутубхоналар ассамблеяси президенти Михаил Дмитриевич Афанасев кутиб олди.

Конгресс очилишида Россия Давлат кутубхонаси директори В.В.Дуда, Қозон ва 12 та ҳамдўстлик давлатларидан 1500 нафар меҳмонлар иштирок этдилар. Конгрессда Хитой, Эрон, Хиндистон, Сербия вакиллари илк бор қатнашдилар.



21-май куни Қозон миллий кутубхонасида Россия кутубхоналар ассамблеясининг Халқаро ҳамкорлик бўлими томонидан ташкил этилган “Оила – миллатнинг посбони ва маданий кодексининг яратувчиси” мавзусидаги семинарда “Таълим соҳасидаги ҳамкорлик” делегатлари фаол иштирок этишди. Семинарда Ф.Кочарли номидаги Республика болалар кутубхонаси (Баку, Озарбайжон) ва О.Бокей номидаги марказлаштирилган кутубхона тизими (Уст-Каменогорск, Қозоғистон) ходимларининг тақдимотлари тингланди. Семинар давомида иштирокчилар қизиқарли амалий машғулотларда ўзларини синаб кўрдилар.

50 нафардан зиёд иштирокчилар етти гуруҳга бўлиниб “Кутубхонада оила” мавзусидаги лойиҳада иштирок этдилар. Лойиҳада иштирокчилар икки тилли оилалар, соғлом оилавий турмуш тарзини тарғиб қилиш, маҳаллий аҳолининг маданияти ва тилларини сақлашга қаратилган турли мавзулардаги лойиҳалар устида ишладилар.








22-май куни Қозон миллий кутубхонасида чет эллик ҳамкасблар Россия кутубхоналар ассамблеясининг Ёшлар бўлими томонидан ташкил этилган семинарда иштирок этдик. Семинарда Арманистон Миллий кутубхонаси (Ереван), Беларус Миллий кутубхонаси (Минск) ва К.Баялинов номидаги Республика болалар ва ўсмирлар кутубхонаси (Бишкек, Қирғизистон) делегатлари кутубхоналардан ёш кадрлар кетиб қолишининг олдини олиш бўйича олиб бораётган тажрибалари билан бўлишдилар.



23-май куни дастур бўйича машғулотлар Россия Давлат кутубхонасида давом этди. Ёш мутахассислар профессионал маслаҳатлар олиб, Шарқ адабиёти маркази ҳамда Кутубхона ахборот хизмати бўлими фаолияти билан яқиндан танишиб, кутубхоначиларда янги кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган гуруҳ дарсида қатнашдик.

Лойиҳа 24 май куни Россия Давлат кутубхонасида якунланди. Бу куни Ҳамдўстлик мамлакатларидан ташриф буюрган ёш делегатлар учун “Замонавий кутубхоначи: самарали коммуникациялар” амалий семинар ҳамда касбий тренинг бўлди. Якуний машғулотлардан сўнг Россия Давлат кутубхонаси илмий ва ўқув фаолияти департаменти директори Евгения Николаевна Гусева ва директор ўринбосари Ирина Владимировна Гайшун томонидан "Ҳамдўстлик кутубхоналарининг таълим соҳасидаги ҳамкорлиги"нинг тантанали ёпилиши бўлиб ўтди.

Якунлаш маросими доирасида Ирина Владимировна Евроосиё кутубхоналар ассамблеясининг фаолияти ва лойиҳалари ҳақида тақдимот қилди, йил давомида режалаштирилган тадбирлар ва ташкилотнинг асосий устувор йўналишлари ҳақида гапирди.

Барча делегатларга белгиланган турдаги малака ошириш курсларини тамомлаганлиги бўйича сертификатлар тантанали равишда топширилди. Лойиҳа юзасидан фикрлар алмашилди.



Биз ёш кутубхоначилар учун дастур кўлами, ташкил этилиши ва касбий мазмуни кутганимиздан ҳам қизиқарли даражада бўлди. Ўз навбатида ташкилотчилар ҳам лойиҳанинг ажойиб муваффақиятини, гуруҳнинг бирдамлиги, очиқлиги ва дўстона муносабатини, ёш кутубхона раҳбарларининг бир-бирлари билан тажриба, билим ва ижобий ҳис-туйғуларни алмашишга тайёрлигини таъкидладилар.

Таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг мақсади иштирокчиларнинг Россия Давлат кутубхонаси ва уларнинг муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш эди.

**Фойдаланилган адабиётлар:**
Виноградова Н.Н, Нерюева В.М Образовательная коллаборация библиотек Содружества” проект с огромным потенциалом // «Вестник Библиотечной Ассамблеи Евразии». – Москва 2023 . - №2 . – С 14

# РУССКИЙ ЯЗЫК – ЯЗЫК МИРА И ДРУЖБЫ



Я горжусь тем, что умею говорить на русском. Этот язык для меня родной, самый первый язык, которому меня научили, и я говорю на нём с детства. Не представляю, как можно не любить язык Пушкина, прекрасного цветка поэзии, Толстого, солнечного света русской литературы, Чехова, великой красы и силы русского народного сердца.

Красота, ясность, глубина русской классики не перестают привлекать меня.

Как он велик и красив!

Я не задумывалась никогда, насколько он сложен и многогранен. Он мягкий, плавный, певучий и многозначный.

Круг моего общения весьма разнообразен: иногда мне выгодно говорить на правильном литературном языке, очень часто пользуюсь разговорной лексикой, где-то опускаюсь даже до жаргонов. И всё это для того, чтобы быть понятой. Мне кажется, с обширным словарным запасом я смогу общаться беспрепятственно с большим количеством людей.

Невозможно сравнить богатый русский язык с другими европейскими языками. Например, английский язык - он весьма лаконичен, немецкий - грубый, чопорный. А огромное количество красивых речевых оборотов русского языка позволяют выразить самые тонкие чувства, самые волнующие эмоции, которые делают его красочным и волшебным.



**Гулчехра Абдулхакимова,**
учитель русского языка и литературы школы № 1 г. Андижана

«Почему его учат?» - спросите вы. Я думаю, что на нём легко общаться. Этот язык понятен многим и многие на нём разговаривают. И мой узбекский народ не исключение.

Во-первых, представители моего государства по числу трудовых мигрантов в Россию находятся на первом месте. Большинство из них испытывают языковые трудности. И они, работая в России, видят какие преимущества даёт знание русского языка.

Во – вторых, открываются немало узбекско-русских предприятий, что в свою очередь, провоцируют интерес жителей Узбекистана к русскому языку.

Совсем недавно в сфере народного образования Узбекистана началась активная работа по популяризации русского языка. И это доказывается тем, что в 2020 году наше правительство при поддержке российских мастеров по изучению русского языка начало масштабную работу по развитию русского языка в средних школах и ВУЗах. И вот уже третий год проект «Класс», который был создан совместно министерствами народного образования Узбекистана и России, продолжают свою деятельность у нас. Многие учителя получили сертификат С1, благодаря которому они могут получить 50% надбавки к зарплате.

У нас до сих пор существуют русскоязычные общины имеются школы, университеты с русс-

ким языком обучения, русскоязычные СМИ, большинство государственных учреждений с радостью принимают русскоязычных специалистов на работу, русский язык помогает устанавливать контакты с посольствами, ННО, международными компаниями, словом, вести бизнес или строить экспертную карьеру.

Русский язык не может мешать другим языкам. Всё дело в самом человеке – его интеллекте, общей культуре, умелом использовании языков - родного и других народов. Ведь прекрасное знание русского языка не помешало киргизу Чингиз Айтматову, узбеку Гофуру Гуляму создать мировые шедевры на русском языке. Ведь не зря древние говорили, что сколько языков ты знаешь, столько раз ты человек. Жизнь не стоит на месте. С каждым днём становится всё очевиднее, что русский язык очень необходим для народов бывшего Советского союза.

При воспоминании о моем детстве всегда есть нотка ностальгии. У нас во дворе во время каких - нибудь мероприятий, да и просто так, часто собирались соседи за одним столом. Там можно было встретить и русских, и украинцев, и киргизов, и казахов, и немцев, и татар, и корейцев. А как же они понимали друг – друга? Конечно, их связывал русский язык. У русского языка было особое предназначение – объединять разноязычные народы в одно целое, приобщать их к сокровищнице мировой культуры, пополнять её национальными культурными достижениями.

Как я помню, меня всегда тянуло в русскую культуру, историю. Ещё будучи школьницей я знала, что русский язык - это моё будущее, моя профессия, мой хлеб.

Почему знала? Да, потому, что на то время у нас в махалле я была единственной, кто говорил на русском. Все дяденьки и тётеньки относились ко мне как к "устозу", выражая свое уважение и признательность. Ставили меня в пример своим детям. И во время летних каникул они просили, чтобы я помогла их детям освоить, хотя бы азы русского языка. А так как мои родители тоже были учителями, они отнеслись к моей "педагогической деятельности" с терпением и создавали мне все необходимые условия, чтобы я могла заниматься с соседскими детьми. Они купили нам тетради, карандаши, ручки, альбомы. А папа, будучи в то время директором нашей сельсоветской школы, достал нам несколько учебников "Букваря" и выделил из своей школы кабинет. И я каждый день важной учительской походкой заходила в класс, где меня ждали маленькие узбечата. Они ждали меня с нетерпением, потому что были охвачены желанием научиться русскому языку.

После окончания учебных курсов, мы устраивали праздник и приглашали родителей, где " мои ученики" демонстрировали свои знания по русскому языку: читали стихи, пели песни, танцевали русские народные танцы, (папа помогал нам с костюмами), ставили инсценировки басен. Все: и дети, и родители - мне аплодировали. А мои родители со слезами радости на глазах и гордостью за дочь следили за всей этой красотой.Боже, как было весело, было все по-доброму, с любовью! Так скучаю по тем временам.

Вот таким образом я и развивала в себе с детства педагогические навыки. А ведь они, "мои ученики", и сейчас с любовью и уважением вспоминают меня и благодарят за то, что я, по их словам, привила им любовь к русскому языку.

А после окончания школы я поступила в Харьковский национальный педагогический институт на факультеты русской филологии. Не то, чтобы мечта моя сбылась, скорее это было мне предписано судьбой.

Окончила институт с отличием и вернулась в свой родной уже не в сельсоветскую школу, а в "туман", потому что я поступала в 1989 году, когда Узбекистан входил еще в состав СССР, а закончила учебу в 1994 году, когда Советский союз уже развалился. И вот я сегодня учитель русского языка и литературы. Перелистываяв памяти страницу за страницей книгу своей учительской биографии, могу сказать, что ни разу не пожалела о выбранном пути. И как учитель русского языка и литературы, я должна привить любовь к русскому языку, любовь и интерес к русской литературе, уметь донести эту любовь детям, научить их любить окружающий мир, помочь им стать духовно богатыми.

Я безмерно радуюсь, когда мои ученики занимают призовые места на конкурсах, ►

олимпиадах. Моя ученица Джумабаева Сабина участвовала на международном конкурсе «Живая классика» и стала лауреатом. Члено моего литературного кружка «Клуб читающих детей» организовали мероприятие «Широкая Масленица» в областном масштабе, сама я стала лауреатом Пушкинского конкурса. Вот так мы поддерживаем статус русского языка у нас в небольшом городке Андижан. Взрослые и дети с удовольствием участвуют в таких мероприятиях. Этим я чувствую их благодарность и уважение ко мне. Сегодня, когда рушатся языковые нормы, снижается духовность речи и идет вульгаризация языка, просто необходимо говорить о бережном отношении к русскому слову, культуре речи, потому как русское слово открывает мир бесконечных радостей, всю гамму человеческих чувств. Ни один язык не останавливается в своем развитии. Это целый мир: не только предмет для изучения, а живая душа народа, его память, сокровище. Поэтому, как учитель русского языка и литературы, стараюсь представлять эти два народа, узбекский и русский, в положительном свете, так как понимаю, что я медиатор между культурами. ■

## ЗАВЕРШАЕТСЯ ПРОЕКТ ….

Вниманию читателей! Продолжаем освещать ход проекта «Школа читательской культуры».

**В помощь самообразовательному развитию личности:**

В младшем школьном возрасте, далее и в среднем, старшем возрасте формируется направленность личности, идёт сознательное освоение социальной среды, идет самопознание и самоизменение. И свою задачу в рамках проекта библиотека видела в организации мероприятий, направленных на чтение, способствующее интересу к самопознанию и самоизменению. Работа в этом направлении шла дифференцированно с учетом возраста.

Бошланғич мактаб ёшида, кейин ўрта ва катта ёшда шахснинг йўналиши шаклланади, ижтимоий муҳитнинг онгли ривожланиши содир бўлади, ўз-ўзини билиш ва ўз-ўзини ўзгартириш содир бўлади. Кутубхона эса лойиҳа доирасида ўз вазифасини китобхонликка, ўз-ўзини билишга ва ўз-ўзини ўзгартиришга қизиқишни оширишга қаратилган тадбирларни ташкил этишдан иборат деб билди. Бу борадаги ишлар ёшни ҳисобга олган ҳолда табақалаштирилган тартибда олиб борилди.

**05.04.2024**

Так, мозговой штурм, предложенный учащимся 4 «Б» (руководитель Погосян Елена Сергеевна) и 4 «А» (Хусаинова Диера Жасуровна ) классах  школы № 24, был направлен на анализ своих действий и последствий этих действий в частности в школе посредством  знакомство с правилами  поведения в школе

Его цель - напомнить учащимся о правилах поведения в школе и через применение  критического мышления укрепить навыки самоанализа своих поступков. Дети сами комментировали примеры практического применения правил. Они еще раз входили в мир, где каждое «я» преобразовывалось в «мы» и через конкретные примеры своих поступков давали им свою самооценку  исполнения школьных правил поведения.

Занятие прошло живо и интересно и у каждого ученика была возможность по – новому ощутить себя ответственным за то, чтобы  в классе,  как социуме – этом большом «мы»-  чувствовать себя комфортно.



4-«Б» синф раҳбари Погосян Елена Сергеевна ва 4-«А» синф раҳбари Хусаинова Диера Жасуровналар  томонидан таклиф этилган аклий хужум ўйинлари мактаб қоидалари билан танишиш ва одоб аҳлоқ меъерларини билишга йўналтирилган булиб, хар бир ўқувчига ўз хатти харакатларининг натижаларини тахлил қилиш имконини беради.



Данное направление проекта в старших классах требовало укрепления знаний норм поведения и вопросов ответственности при их нарушении. Так, в 10 «Б» классе этой теме была посвящена дискуссия и называлась она «Живи в согласии со строгой моралью». Тема весьма тонкая, ведь у каждого из них уже на основе семейного воспитания практически есть свои понятия о добре и зле, о слагаемых самооценки своего поведения. Тем более, на анализе поведения литературных героев. В этом плане во многом становлению критериев поведения стали герои А.П.Чехова, Л.Н. Толстого, Ф.М.Достоевского.



Лойиханинг ушбу йўналиши юқори синф ўқувчиларининг хулқ-атворларини бузилишини олдини олишни тушунтириш, уларда маъсулият ҳиссини кучайтириб бу борадаги билимларини ривожлантиришга қаратилган эди. Шу мақсадда 10 "Б" синф ўқувчилари учун "Метин аҳлоқ ва интизом билан яшанг" мавзусида суҳбат ўтказилди. Мавзу баҳс ва мунозаралар билан қизиқарли олиб борилди, ҳар бир оилада тарбия ўзига хос, яхшилик ва ёмонлик ўқувчилар онгида зиддиятли тушунчалардан иборат эди. Ҳар бир ўқувчининг фикри А.П.Чехов, Л.Н.Толстой, Ф.М.Достоевский китоблари қаҳрамонларининг хулқ-атворлари асосида талқин қилинди.

## СОБЛЮДАТЬ НОРМЫ ПОВЕДЕНИЯ ЭТО ВАЖНО

В 10 «Б» классе школы № 24 прошло очередное мероприятие в рамках партнерского проекта «Школа читательской культуры». Тема дискуссия на тему «Живи согласно строгой морали» очень тонкая и вызывает у каждого участника свое ответное чувство, ведь у каждого он уже практически сложилось на основе семейного воспитания. А в каждой семье свои представления о правильном и неправильном, хорошем и плохом, добре и зле. И очень важно, чтобы они в своей совокупности отвечали принятым в обществе норм поведения, чтобы дети побольше читали литературы на эту тему. ■



25.04.2024



# ЛИТЕРАТУРНЫЙ СУД

«Быть человеком между людьми и остаться им навсегда, в каких бы то ни было несчастьях, не унывать и не пасть – вот в чем смысл жизни» - это слова Федора Михайловича .Достоевского. И в этих словах суть романа «Преступление и наказание». В романе он вскрыл многие проблемы того времени, проблемы, которые и сегодня остаются главными. Сам Фёдор Михайлович называл свой роман «Преступление и наказание» детищем **«психологического отчёта одного преступления»**. **Преступления,** осуждаемого законом.

Зрители литературного суда, а их было около 80 человек –это учащиеся школ № 24, 30, 25 и № 4 Булокбошинского района, которые в учебном процессе уже ознакомились с творчеством Достоевского. А в качестве зрителей им предоставилась возможность с помощью театрализованного представления получить новую информацию в плане литературоведения, яркие эмоции, стать соучастником суда над преступником Раскольниковым, наглядно оценить его поведение. Кроме того, они более близко познакомились со взглядами на жизнь, на преступление свидетелей Сонечки Мармеладовой и студента Розумихина.

Данная форма рекомендательного чтения через визуальный процесс позволила вызвать сопереживание, а наблюдение за ситуацией со стороны помогло оценить поступки литературных героев, осудить философию Раскольникова, его взгляды на жизнь, взгляды, которые не имеют места в таком мире..

По итогам литературного суда была организована дискуссия, которая выявила и сопоставила различные точки зрения юношества на философию героев романа, но, в конечном итоге, все же пришли к согласию, что никто не имеет права безнаказанно убить человека или сделать что-то противоправное.

Дискуссия по итогам мероприятия вышла интересной и надеемся, что многие почувствуют потребность прочитать произведение.

Постановку подготовили сотрудники областного информационно – библиотечного центра имени Бабура и преподаватель школы № 24 г. Андижана Ахмедова Умида Мамаджановна и ее ученики 10 «Б» класса при поддержке директора школы Захировой Клары Дархоновны. ►



Булоқбоши туманидаги 4, 24, 25, ва 30-сонли мактаб ўқувчилари ўқув жараёнида Достоевский ижоди билан танишиб улгурган. Бугун уларга томошабин сифатида театрлаштирилган спектакл ёрдамида адабий танқид, ёркин туйғулар нуқтаи назаридан янги маълумотлар олиш, жиноятчи Раскольниковнинг суд жараёнига шерик бўлиш ва унинг хатти-ҳаракатларига аниқ баҳо бериш имконияти берилди.

Бундан ташқари, улар гувоҳлар Сонечка Мармеладова ва талаба Розумихиннинг ҳаёти ва жиноят ҳақидаги қарашлари билан яқиндан танишдилар.

Визуал жараён орқали тавсия этилган ўқитишнинг ушбу шакли ўқувчиларга ҳамдардлик уйғотишга имкон берди ва вазиятни ташқаридан кузатиш адабий қаҳрамонларнинг ҳаракатларини баҳолашга, Раскольников фалсафасини, унинг ҳаётга бўлган қарашларини, дунёда бундай ўринсиз қарашларини қоралашига ёрдам берди. ..

Адабий суд жараёни якунлари бўйича муҳокама ташкил этилди. ■









30.04.2024

Очередное заседание читательского клуба «Мир женщин» было посвящено теме «Памяти павших во имя живых»

Цель – вспомнить великий подвиг советских солдат в годы Великой Отечественной войни и передать историческую память для воспитания патриотизма подрастающего поколения на примере выдающихся героев, участников войны, в том числе земляков. **Участники клуба и его гости – учащиеся школ,** еще раз взглянули на ужасы войны, увидели визуально поведение солдата во время боев, для чего были использованы кадры документальных фильмов, донесшие до нас реальный мир войны, разрушения, тяготы войны, радость победы реальных защитников Родины, среди которых были наши выдающиеся земляки:




“Аёллар дунёси” китобхонлик клубининг навбатдаги тадбири «Тириклар номи учун қурбон бўлганлар хотирасига» бағишланди. Мақсад: -улуғ Ватан уруши йилларида совет аскарларининг буюк жасоратларини ёдга олиш, тарихий хотирани кўзга кўринган қаҳрамонлар мисолида уруш қатнашчилари, шу жумладан ватандошларимизнинг жанг пайтидаги хатти-ҳаракатлари ҳақиқий уруш вайронагарчиликлари, машаққат дунёсини ҳужжатли филмлардан лавҳалар намойиш қилиш орқали Ватан ҳимоячиларининг ғалабаси, қувончи, улар орасида бизнинг таниқли ватандошларимиз ҳам бор эканлигини визуал тарзда кўрсатиш ва ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдан иборат эди. ►

И по отзывам учащихся, они воочию увидели жестокие сражения и это заставило их по новому осмыслить тему войны, лучше узнать прошлое, историю своей страны и ее героев, воинов Узбекистана, которых вспомнили поименно:



*Советский военноначальник, генерал – майор, Герой Советского Союза (посмертно), командир 316 –ой дивизии, преподаватель тактики в Ташкентском военно-политическом училище*



*Младший лейтенант, политрук роты Шараф Рашидович Рашидов, был ранен под Москвой. Награжден орденом Красной Звезды*



*Сержант Елена Стемпковская, пехотинец, Герой Советского Союза (1921 -1942)*



*Зебо Ганиева – доброволец, радист, снайпер, разведчица, награждена медалью «За оборон»*



15 марта 2015 года, на следующий день после своего 93 года рождения, ушел из жизни последний оставшийся в живых защитник Дома Павлова в Сталинграде наманганец Камолжон Тургунов. Всемирно известным стал факт беспримерного подвига 30 советских солдат, среди которых был Камолжон, которые защищали Дом Павлова в течение 58 дней и ночей. И они победили! «Эта небольшая группа, обороняя один дом, уничтожила вражеских солдат больше, чем гитлеровцы потеряли при взятии Парижа», — писал в воспоминаниях командующий Василий Чуйков.

2015-йил 15-март куни Сталинград жангидаПавловлар уйининг тирик қолган сўнгги ҳимоячиси, наманганлик Камолжон Турғунов 93 ёшида оламдан ўтди. 30 та совет аскари мисли кўрилмаган жасорат кўрсатди. Павлов уйини 58 кечаю кундуз ҳимоя қилиб ғалаба қозонишди! "Бир уйни ҳимоя қилган бу кичик гуруҳ, Парижни эгаллаб олиш пайтида фашистлар йўқотганидан кўра кўпроқ душман аскарларини йўқ қилдилар", деб ёзади қўмондон Василий Чуйков ўз хотираларида.

## Вспоминали и подвиги андижанцев



Например, лейтенант Икрам Джалилов, воспитанник детдома, ушел на фронт, где участвовал Московской и Клинско-Солнечногорской стратегических оборонительных операциях. После победы работал прокуротуре города Андижана. Но его всегда тянуло на научную работу. Он поступил в аспирантуру, окончил ее. Успешно защитил кандидатскую, докторскую диссертации. И стал доктором юридических наук, профессором по земельному праву. За военные заслуги имеет Орден Отечественной войны I степени

В каждой советсткой семье был свой воин, герой, свой защитник Родины, о которых участники мероприятие поделились в ходе вечера. ►





Сулейманов Закий Латипович



Лазовой Федор



Пастух Борис Данилович



Акопов Рафаэль Павлович



*Фото от Любови Станиславовны*

**Здесь отец Анатолия Фадеича и мой отец**

Отдельного освещения стоит и рассказы членов клуба о своих родственниках – участниках войны. Увидеть фото конкретного героя - земляка, узнать о его военной и послевоенной судьбе помогли видеоролики с их портретами, которые были дополнены рассказами участников клуба. Так мы еще раз вспомнили защитников Москвы, Сталинграда, битвы за Кёнигсберг (ныне Калининградская область Россия), Польшу, Прагу. Среди них родные наших членов клуба: Акопов Рафаэль Павлович, Фадей Ильчук, Катков Семен Петрович, Сулейманов Закий Латыпович, Лозовой Федор, Дудкин Василий Павлович, Ахунжанов Юсуп, Мамажонов Азимжон, Постух Борис Данилович и другие, в чью жизнь ворвалась жестокая и кровопролитная война.

Клуб аъзоларининг урушда қатнашган қариндошлари ҳақидаги ҳикоялари, уларнинг портретлари билан видеолар аниқ бир қаҳрамон - ватандошнинг фотосуратини кўришга, унинг уруш ва урушдан кейинги тақдири ҳақида маълумот олишга ёрдам берди. Улар орасида Акопов Рафаел Павлович, Фадей Илчук, Катков Семён Петрович, Сулаймонов Закий Латипович, Лозовой Федор, Дудкин Василий Павлович, Охунжонов Юсуп, Мамажонов Азимжон, Постух Борис Данилович ва бошқалар бор.





Участникам мероприятия благодаря демонстрации реальных событий из документальной хроники показали правду войны, стойкость воинов и воспевание их воинской доблести лучшим поэтом Робертом Рождественским в исполнении учащихся Андижанской МКI-school (преподаватель Абдиева Алия Олеговна) и Булакбашинской районной школы № 4 (преподаватели Ахунова Тамара Уктамовна и Жураева Дилором Мухамммадгафуровна.)

«ЛЮДИ МИРА! УБЕЙТЕ ВОЙНУ» - таков был окончательный призыв к современным политикам, современному обществу. ■



# “КУТУБХОНА - МАЪНАВИЙ ХАЗИНА”





**Умида Эгамбердиева,**
Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси аъзоси

***Аннотация:*** *Статьтья посвящена культурно–просветительской и досуговой деятельности Булокбошинского информационно – библиотечного центра. Библиотечное учреждение тесно сотрудничает с общественными и государственными организациями района, такими как хокимият (администрация), региональными отделениями Союза писателей и журналистов, центрами духовного развития. К услугам читателей предоставлено более 23 тысяч художественных произведений, 300 тысяч электронных ресурсов. Все это делает библиотеку притягательным местом для творческой молодежи и для тех, кто стремится к знаниям. Многие активисты библиотечного центра сегодня студенты престижных высших учебных заведений. Для молодежи библиотека поистине стала любимым местом.*

Кутубхона –инсон маънавиятини юксалтирадиган, билим, ақл, заковатини, зеҳнини оширадиган улуғ ва муқаддас даргоҳлардан бири ҳисобланади. Ҳар бир кутубхона билимга чанқоқ ёшлар учун хазина мисолидир. Азал-азалдан кутубхоначиларзиё тарқатувчилар, деб, эъзозланганлар. Ўқувчини газета, журнал, исталган бадиий адабиёт билан яқиндан таништиришда кутубхонанинг ўрни беқиёс. Булоқбоши туман ахборот-кутубхона маркази айни кунларда кўп минг сонли китобхонларни ўзига жалб этган. Айниқса, ёшларнинг истеъдодини юзага чиқаришда кутубхонада ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирларнинг аҳамияти катта бўлмоқда.

Кутубхона 2019 йилнинг октябр ойидан бошлаб, туман аҳолисига хизмат кўрсатиб келади, -дейди кутубхона директори Муборакхон Исақова биз билан суҳбатда. Туман хокимлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар, Журналистлари уюшмалари вилоят бўлимлари, маънавият тарғибот маркази, мактабгача ва мактаб таълими бўлимлари, нуронийлар кенгаши, тиббиёт бирлашмаси, маҳалла фуқаролари йиғинлари, ички ишлари, туман “Ватанпарвар” ташкилоти сингари кўплаб ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлаш йўлга қўйилган. Кутубхона 23000 дан ортиқ бадиий адабиёт, 300 019 та электрон ресурслар, 80 та аудио дисклар мавжуд. Кутубхонамиз фаол китобхонлари орасида кекса ёшдагилар ҳам, мактаб ўқувчилари ҳам бор. Айниқса, мактаб ўқувчилари ўртасида турли танловлар, билимдонлик баҳслари, “Заковат” мусобақаларининг ташкил қилиниши кўплаб ижодкор ёшларнинг шаклланишига кенг йўл очмоқда. Бўш вақтини китоб мутолаасига бағишлаган айрим ижодкор ёшларнинг пойтахтимизнинг турли нашриётларида чоп этилган асарлари тақдимотлари кутубхонада ўтказилди ва кенг китобхонлар оммаси эътиборига ҳавола этилди. Жумладан, Мумтозбегим Сайфиддинованинг “Эъзоз”, “Сабр дарахти”, “Бахтим кўзгуси” шеърий тўпламлари, Рўзиой Муҳаммадқосимованинг “Болалик орзулари”, Дилнура Абдуваҳобованинг “Сўзларимдур маржоним” ҳикоялар жамланмаси, Дилфуза Маҳмудованинг “Томчида қуёш акси” публи-



цистик асарлари тўпламлари ва яна кўплаб ижодкор ёшларнинг илк нашр этилган китоблари кутубхонамиз фондидан жой олди. Ижодкор ёшларни шакллантиришда кутубхонада ташкил этилган “Фаол китобхонлар”, “Ижодкор ёшлар” клубларининг фаолияти муҳим аҳамият касб этаётганини қайд этиш керак. Бундан ташқари, “Кутубхона-менинг иккинчи оилам” рукни остида ги “Эртаклар-яхшиликка етаклар” клуби фаолияти жажжи китобхонларнинг истеъдодларини юзага чиқаришда асосий омиллардан бири бўлмоқда. Менинг назаримда, кутубхона етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган китобхонларни ўзига жалб қилишда, маънавий-маърифий ғояларни тарғиб қилишда сира тўхтаб қолишга ҳаққи йўқ. Бу–кутубхонада ўтказилаётган ёзувчи, шоир, журналистлар билан бўлаётган учрашувларнинг, атоқли арбоблар, тадбиркор, эл суйган замондошларимиз ҳаётларига доир давра суҳбатларининг мазмунига, жозибадорлигига боғлиқ. Ана шундай учрашувлар ёшларга мотивация беради, жадид боболаримиз орзу қилганидек, кўпроқ ўқишга, ўқиганларини уқишга, ҳаёт синовларига бардошли бўлишга ўргатади. Кутубхона ходимлари туманнинг энг чекка ҳудудларида ҳам китобхонларни жалб этиш, маънавият тарғиботларини ўтказиш мақсадида, учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил қилишга муваффақ бўлмоқдалар. Яқинда, кутубхонада “Янги ҳаёт учун, янги Ўзбекистон учун!” шиори остида “Энг яхши шеър”, “Энг яхши ҳикоя”, “Энг яхши публицистик асар” муаллифлари танлови ўтказилди. Бу танлов ҳам ёшлар орасида янги ижодкорларни аниқлашга ёрдам берди. Кутубхонамизнинг фахрий аъзоларидан Дадажон Ахмадалиев, Эргаш ота Аҳмедов каби кексалар китобхонликда ёшларга ибрат бўлмоқдалар. Туманимизда яшаб, ижод қилаётган Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси аъзолари Тўхтахон Давронова, Абдумаҳмуд Ғозиев, ЎЗбекистон Ёзувчилари уюшмаси аъзоси Абдухалил Қорабоев сингари фахрий устозлар билан ўтказиладиган давра суҳбатларини ёш китобхонлар интиқиб кутадилар. Ҳар бир тадбир китобхонда чуқур таассурот қолдириши керак. Бир вақтлар кутубхонамиз фаолларидан бўлиб, ходимларимиз хизматидан унумли фойдаланган Илёсбек Абдуғаффоров, Ўғилой Ўринбоева, Ҳуснида Ғаффорова, Муҳайё Норбоева сингари ёшлар ҳозирда турли нуфузли олийгоҳларнинг талабаларидир.

Дарвоқе, мўъжаз кўринган кутубхонанинг қулай ўқув зали катта-кичик китобхонлар билан гавжум. Ўқув залининг ўзи кунора янги адабиётлар билан жиҳозлаб турилади. Уларнинг ўрни тез-тез алмашиниб турилгани сабабли, ҳар куни бир янгилик китобхонларга тақдим эилади.



-Кутубхона-менинг севимли масканим,-дейди китобхон ўқувчи Дилнура Абдуваҳобовани кутубхона ҳақида фикрлари билан яқиндан танишиш мақсадида суҳбатга тортганимизда, -қанча-қанча китобларни мутолаа қилдим, айниқса, Ўткир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” асарини қайта-қайта ўқиганимда ҳар гал асарнинг ўзим илғамаган янги қирраларини топгандек бўламан, ёзувчининг воқеа тафсилотларини маҳорат билан тасвирлаганини ҳис қиламан. Ҳаётни қадрлаш, онадек буюк зот қанчалар ҳурмат, эҳтиромга лойиқлигини чуқур англаб етаман

Улуғ жадид боболаримиз Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Қодирий ва яна кўплаб устозларнинг билим-бахтга, нажотга элтиши борасидаги ҳикматли ўгитлари, умрбоқий асарлари ҳамма даврда ҳам ўзининг муҳим аҳамиятга эга эканини замон тақозо этмоқда. Кутубхона ёшларнинг энг яқин кўмакдоши, маслаҳатчисига айлангани шубҳасиз. ■



# АДАБИЁТ МАЙДОНИНИНГ ИЖОД ВАКИЛЛАРИ

***Избоскан туман ижодкорлари китобларининг библиографик шарҳи***

***Ўзининг буюк тарихи ва аждодларига муносиб ворис бўлган ёшларимизга ватанпарварлик, ўз ўлкасига садоқат рухида тарбиялаш биз учун долзарб аҳамиятга эга.***

***Ш.Мирзиёев***

**Избоскан туман ахборот-кутубхона маркази Ахборот-библиография хизмати**

***Аннотация:*** *Избосканский районный информационно- библиотечный центр сегодня является местом, где истории района уделяется серьезное внимание, местом которое обеспечивает полный сбор и хранение краеведческой литературы, сбором материалов о людях, прославивших район. Среди них писатели, поэты, представители разных профеессий.*

Китоб – билан дўст бўлган инсоннинг дунёқараши юксалади, тафаккури ривожланади, эзгуликка интилади. Китоб – инсоннинг ақлий салоҳиятини оширади, асабийликни тинчлантиради, сўз бойлигини кўпайтириб, муомаласини чиройли қилади, хаёт тўсиқларини енгишига ёрдам беради. Ҳар қандай ишга ижодий ёндашишига олиб келади, бошқалар билан муносабатларда ўзини қандай бошқаришни ўргатади, ҳайриҳоҳликка ундайди. Тарихда яшаб ўтган не – не улуғ зотлар китобга ошно бўлиб, етукликка эришишган, комил инсон даражасига етишганлар. Шу боис улар ўз эсдаликларида бунинг учун китоблардан бир умр миннатдор эканликларини қайта – қайта таъкидлаганлар.

Ватан туйғуси - Ватанга муҳаббат қўйиш, унга садоқат билан хизмат қилиш эканини ҳамма тушунади. Бугунги кунда ўлка тарихи, маданиятига, маънавий қадриятларга эътибор ва уларга бўлган қизиқиш кундан – кунга ортиб бормоқда. Айниқса, билимга интилувчи, салоҳиятли ёшларимизни ўз Ватанига муҳаббат, юксак маънавият ва маърифат соҳиби қилиб тарбиялашда кутубхоналарнинг ва китоблар-нинг ўрни беқиёсдир.

Бу борада бизнинг туман ахборот-кутубхона маркази ахборот – библиография хизматининг ўлкашунослик иши бўйича олиб бораётган фаолияти аҳамиятлидир. Бу фаолиятга туманимиз тарихига оид манбаларни сақлаш ва улар ҳақида маълумотлар тайёрлаш, яъни туманимиздан етишиб чиққан буюк шахслар, истеъдодли ижодкорлар – ёзувчилар, шоирлар, турли касб эгалари билан таништириб боради, улар ҳақида турли библиографик қўлланмаларни тайёрлаб, тақдим этади, кенг китобхонлар оммасига библиографик ахборот беришни таъминлайди.

**Қадрли китобхонлар!** Андижон адабий муҳити ўзбек адабиёти ривожида ўзига хос ўринга ва салмоққа эга. Захириддин Муҳаммад Бобур, Нодирабегим, Чўлпонлар юртида кўплаб истеъдод соҳиблари ижод майдонида “от суриб”, нозик таъб бадиият муҳлислари эъзозига мушарраф бўлганлиги барчага аён. Ҳабибий, Комил Яшин, Саида

Зуннунова Восит Саъдулла, Ҳайратий, Оразий, Тўхтасин Жалолов, Ҳошимжон Раззоқов, Ҳайитбой Азимий, Улфат, Маҳжурий, Анисий, Сайфий, Боқир каби сўз заргарлари изидан бориб, бу йўлдаги машаққатларни шараф билиб, Избоскан туманида ҳам, илҳом билан қалам тебратаётган, истеъдодли, иқтидорли ижодкорлар анчагина.

Қуйида ахборот – сиз азиз китобхонларга ахборот-кутубхона маркази жамғармасидан жой олган, ўлкамиз ижодкорларининг асарлари ва уларнинг хаётий фаолияти билан таништирмоқчимиз

# ҚАМЧИБЕК КЕНЖА

*Китоб – мен учун устоз, мураббий, китоб – мен учун ҳаёт. Ўз китобларим эса, яхшими, ёмонми – менинг умрим, тансиқми - мундайроқми - дастурхонга қўйганларим.*

*Қамчибек Кенжа*



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, истеъдодли ижодкор Қамчибек Кенжа 1946 йил 15 августда Андижон вилоятининг Избоскан туманидаги Гуркиров қишлоғида туғилган. У 1964 - 1969 йилларда Тошкент давлат университетининг, аввал журналистика, сўнг филология факультетларида таҳсил олган. 1969 йилдан 1979 йилгача “Ўзбекистон маданияти” газетаси, кейинчалик “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида адабиёт бўлимида ишлаган. Мазкур газета 2024 йилдан “Жадид” номи остида чоп этила бошлади.

1980 йилдан эса Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Бадиий адабиётни тарғиб этиш бюросининг Андижон вилоятидаги вакили бўлиб ишлаган. 1983-1985 йилларда Тошкентда яшаб, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи лавозимида фаолият кўрсатган. 1985 йилдан шу кунгача Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Андижон вилоят бўлимининг масъул котиби бўлиб ишлаб келмоқда.

Қамчибек Кенжа моҳир таржимон ҳамдир. Ана шу хизматлари учун унга «Шуҳрат» медали, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими унвонлари берилган. У «Соғинч» (1975), «Ишқинг тушса», (1981), «Нотаниш гул»(1986), «Яшил барг», (1977), «Кўнгил кўчалари» (1979), «Орзумандлар» (1982), «Тоғ йўлида бир оқшом», «Сохибжамол аёл сири» (1996), «Кулгибахш умр» (1997) ва яна кўплаб насрий асарлар муаллифидир.




821.512.133-1
К-37
Кенжа, Қамчибек. Армонлар ва туғёнлар
[ Матн ] : Публицистика, кичик сафарномалар, ёднома – эсселар, адабий бадиалар, суҳбатлар, муносабат, мушоҳадалар / Қамчибек Кенжа ; муҳаррир О.Қанаев. – Тошкент: Yosh avlod Matbaa, 2023. – 320.
ISBN 978-9943-7945-8-0

“Армонлар ва туғёнлар” турли жанрлар ва ранг – баранг мавзулардаги асарлардан тузилган, ёзувчининг кўнгил кечинмаларини ўз ичига олган китобидир. Китобни публицистика мавзусидаги ҳикоялар бошлаб беради. Бунда Қамчибек Кенжанинг Бобур ва Бобурийлар, уларнинг адабий ва меъморчилик меросларини чуқур ўрганиш мақсадида Андижонда ташкил топган “Бобур” номидаги халқаро илмий экспедицияси аъзоси сифатида бир қанча салмоқли сафарларда бўлиб, сафарлар давомида олинган таассуротлар, ёзувчи шоҳ ва шоир Бобур ҳаёти ва фаолиятларини ўрганиш юзасидан олиб борилган изланишлар, ўзга юртлар, шаҳарларнинг ўзига хос жиҳатлари, яшаш тарзлари ҳақидаги маълумотлар билан танишасиз .

“Ҳаётимда муҳим ўрин тутганлар” – ёзувчи ўзи учун қадрли бўлган кишиларнинг фазилатлари ҳақида баён қилувчи кейинги қисмидир.Ушбу хотиралар баёнида Қамчибек Кенжа яқин дўстлари, мурувватли ва садоқатли, ҳаёт ва ижод йўлида елкадош бўлган қадрдонларидан мамнунлигини изҳор қилади ва дўстлари, яқинлари хақида шундай дейди:- “Қадрли кишингизни фазилатларини шарҳу – баён қилиб, таъриф-тавсиф этиш кимларгадир эриш туюлар, аммо дўстга меҳр-муҳаббатни, бу қадрдонликдан мамнунликни изҳор этиб қўйиш хам хадису шарифга мувофиқ бир амалдир дейдилар”.

Юқорида Қамчибек Кенжанинг ушбу китобидан жой олган айрим ҳикоялари ҳақида қисқача баён бериб ўтдик ҳолос. Китобда бундан ҳам қизиқарли ва ранг-баранг мавзулардаги асарлар, турли жанрлар кўп бўлиб, уни ўқир экансиз, муаллифнинг ўзи бошидан кечирган, кўрган билган воқеа – ҳолатлар, хотиралар баёни, қалбидаги оғриқли мушоҳадалар, ҳис-туйғулар, жажжи, аммо таъсирчан ҳикоялар, ҳаётий кузатишлар самараси бўлмиш мулоҳаза, мушоҳадалар китобхонлар томонидан қизиқиш билан ўқилишига ишончимиз комил.



## НАБИ ЖАЛОЛИДДИН

Избоскан адабий жараёнига баракали ҳисса қўшиб келаётган ижодкорларимиздан яна бири, Андижон шаънини олисларга элтаётган эл севган истеъдодли ёзувчи, шоир, Наби Жалолиддиндир. У 1962 йилнинг 2 майида Избосканнинг Жонобод қишлоғида туғилган. Дастлабки таълимни тумандаги рассомлик мактаб интернатида олган. 1981-1983-йилларда Афғон урушида иштирок этган ёзувчи, йигирманчи асрнинг энг узоқ давом этган урушларидан бири бўлган афғон заминида оммавий қирғиннинг даҳшатли фожеаларини ўз кўзи билан кўрган. Афғон урушидан қайтгандан сўнг Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетида таҳсил олган.

Шоир дастлаб 1993 йилда “Ялпизли кеча” номли илк шеърий тўпламини ёзган. 1988 йилда ёзувчи сифатида унинг илк қиссаси “Ўлимнинг ранги” нашрдан чиққач, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Пиримқул Қодиров томонидан юксак эътирофга сазовор бўлади. Шундан сўнг бирин-кетин “Ҳур нидо”, “Сен билан қолмайман”, “Ўлимнинг ранги”, “Эркаги бор уй”, “Жаллод аёл”, “Онасиз тушлар” каби китоблари ҳамда “Оралиқ” (Хайём) номли тарихий романи, жадидчилик ҳаракатининг намояндаси Абдулҳамид Чўлпонга бағишланган “Тегирмон” романи нашр этилган. 2021-йилда чоп этилган “Урушнинг давоми” романида ўзи иштирок этган Афғон уруши хотиралари билан боғлиқ воқеалар тасвири акс эттирилган. Наби Жалолиддин 1996 йилдан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. 1997 йилда “Ёшлик” журналида унинг “Йиғи” номли қиссаси эълон қилинди, ушбу қисса йилнинг энг яхши асарларидан бири деб топилди.

Ҳозирги кунда ҳам таниқли ижодкор, истеъдодли адиб Наби Жалолиддин Тошкентда яшаб, ижод қилмоқда.

821.512.133
Ж-133
Жалолиддин, Наби. Жаллод  аёл : қиссалар /
Наби Жалолиддин. – Тошкент : Янги аср авлоди,
2021. – 224 б.
ISBN 978 – 9943-20-885 - 8




“Жаллод аёл” ёзувчи Наби Жалолиддиннинг одатий бўлмаган мавзудаги ижод маҳсули бўлиб, китобни ўқир экансиз, унда ҳайратга тушишингиз, қарама-қарши ҳислар туғёнини туйишингиз мумкин. Ушбу китобдан шунингдек, “Террор” ва “Биз ва одамлар” қиссалари ҳам ўрин олган бўлиб, адиб ўз ҳикояларида Ватан туйғуси, одамийлик ҳислатлари, адоват билан яшаган аёл қисматини китобхонлар қалбига етиб борадиган сатрларда акс эттиради.

“Жаллод аёл” - китобдаги биринчи қисса бўлиб, унда 36 йил ўлим жазосини ижро қилувчи вазифасида ишлаган аёл ҳикояси баён қилинади. Асар қахрамони корейс аёли- Анжелина иккинчи жаҳон уруши вақтида акаси билан Тошкентдаги болалар уйида тарбияланади. Ота–онаси кимлигини билмаган ака-сингил урушдан кейин ҳам шу ерда қолиб кетади. Анжелина болалар уйининг бош ошпази Ринатни ёқтириб қолади. Лекин Ринат томонидан алданганини билган қиз, бу муҳаббат соҳта эканлигига амин бўлади ва бахтиёр кунлари қора кунларга алмашади, ўта совуққон, эркаклардан нафратланиб, улардан қасд олиш ҳисси билан яшайдиган, юраги гўё тош қотган қизга айланади. Анжелина ҳаётда ўз олдига талаб қўяди ва мисоли борлик билан курашга чоғланади. У шундай мақсадлар билан олий милиция мактабида, шу билан бирга олий жазога ҳукм этилганларнинг “хаққини” таъминлаш, яъни уларни отиш учун ходимлар тайёрлаш бўйича ҳукуматнинг махфий ва махсус топшириғини бажариш учун мактабдаги махфий ўқув курсида ўқийди. 20-асрнинг 50-йилларида бутун мамлакатда турли жиноятчилик авж олган бўлиб, жиноятчиларнинг асосий қисми отувга ҳукм этилар, бундай вазифани бажариш учун ҳукуматга Жела каби мутахассислар зарур эди. Жела Олий мактабни аъло даражада битиради, бу пайтда қиз аллақачон сиртдан жаллодга айланиб бўлган, кичкина жони билан қасос ўтида ёнар, одам ўлдириш касби-корига айланганини англамасди. У шундай нафратга йўғрилган ҳис-туйғулари билан 36 – йил Тошкентдаги қамоқхоналардан бирида ишлайди ва минглаб одамларнинг жонини олади. Саксон ёшдан ошиб, мудҳиш тақдирни яшаган аёл аслида бошқача яшаши мумкин эканлигини, ёмон кўрган инсонларига аччиқ қилиб, орзуларидан воз кечиб, ҳаётини барбод қилганини, адоват, ёмон ўй билан қилинган иш хеч қачон яхшиликка олиб келмаслигини, аслида барига ўзи айбдор эканлигини жуда кеч тушунади.

Шунингдек “Жаллод аёл” китобидаги “Террор” қиссасида Ўзбекистон истиқболига таҳдид солган, давлат ҳокимятини қўлга олиш мақсадидаги айрим сиёсий гуруҳларнинг ўз ҳалқига, оммага нисбатан юргизган террори ҳақида, “Биз ва одамлар” номли ҳикояси орқали ота–онанинг ўз фарзандига бўлган муҳаббати, тилсиз жонивор бўлсада одамзодга яқин бўлиб, яхшиликлар қила олган дўст, ҳаётда адашган, ота-онасига меҳр кўрсатмасада, лекин уларга ҳеч қачон, бир оғиз бўлсин, қаттиқ гапирмаган ва беодоблик қилмаган эрка ўғилнинг аянчли ҳаёти билан танишасиз. Ҳазрати инсон ҳар қандай шароитда ҳам инсон бўлиб қолишига мажбур экани, бунинг уддасидан минг бир машаққат билан бўлсада, албатта буларни енгиб ўтиши лозимлигини ўргатувчи мазкур китобни ўқиш учун ажратган вақтингизга асло ачинмайсиз.



# ЗОКИРЖОН ЮНУСОВ
# (1944-2020)

Зокиржон Юнусов 1944 йил 25 июнда Андижон вилоят Избоскан туманининг Янги қишлоғида таваллуд топган. Дастлаб ўрта мактабни, сўнгра она тили ва адабиёти факултетини тамомлаган. Балиқчи тумани “Ғалаба” газетасида маданият бўлими мудири, Норин тумани “Норин овози” газетасида муҳаррир ўринбосари, қарийиб ярим аср мобайнида Избоскан тумани “Пахтакор” газетасида муҳаррир ўринбосари, муҳаррир бўлиб ишлаган. Шунингдек туманда “Соҳибкор” номли ҳафтанома ташкил қилиб, унга ҳам муҳаррирлик қилган.

Зокиржон Юнусовнинг “Юрагимда яшайсан ўзинг” номли илк китоби 2001 йилда, шундан сўнг “Янгиқишлоқ”, “Мангулик баҳорининг гуллари”, избосканлик иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳаётидан олинган лавҳалар асосида яратилган “Избосканликлар жасорати”, “Олис юлдузлар шуъласи” китоблари нашр этилган. Эътиқодли журналист, публицист, ёзувчи, умрининг охиригача эзгулик, яхшилик илиниб яшаган Зокиржон Юнусов ҳамиша одамлар орасида, уларнинг дарду ташвишлари, муаммо – ютуқлари билан элга эш бўлиб яшаб ўтди. Зокиржон Юнусов Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси аъзоси, ҳукуматимизнинг бир қанча нуфузли мукофотлари билан тақдирланган.




742.235
З-10
Юнусов Зокиржон. Избосканликлар жасорати : иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳаётидан лавҳалар / Зокиржон Юнусов ; муҳаррир И.Маҳкамов . – Наманган : Наврўз , 2019 . – 56 б.
ISBN 978-9943-6020-7-6

XX асрда содир бўлган жахон тарихидаги энг йирик уруш иккинчи жахон урушидир. Бу урушга 61 давлат, дунёнинг тахминан 80 % аҳолиси жалб қилинган. Урушга мамлакатларнинг 110 миллион аҳолиси сафарбар этилди. Ҳарбий ҳаракатлар 40 та давлатлар ҳудудида бўлиб ўтди, барча ҳаражатлар 4 триллион долларни ташкил этди. 1418 кун давом этган Иккинчи жаҳон урушида ўзбекистонлик жангчилар ҳам таърифга сиғмас қаҳрамонликлар намоён этган. Ниҳоятда оғир шароитларда, миллионлаб йигитлар фашист босқинчиларига қарши муқаддас курашга сафарбар этилди, юртнинг ҳар бир карич тупроғини асраб қолишга чақирилди. Минглаб кишилар бу жанговар чақириғни Москва ва Харков остоналарида, Сталинград, Ленинград, Украина фронтларида қасамдек қабул қилдилар. Оммавий қаҳрамонлик ва жасорат кўрсатдилар. Иккинчи жаҳон уруши даврида туман меҳнаткашлари ҳам юксак уюшқоқлик ва матонат кўрсатиб, Ватан чақириғига лаббай, деб жавоб бердилар ва 3538 нафар киши Ватан ҳимоясига отланди. Туманимизнинг мард йигитларидан 1987 нафари жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлдилар. Жангларда кўрсатган матонати учун 1536 киши, урушдан кейин эса 2000 га яқин кишига орден ва медаллар берилди.

“Избосканликлар жасорати” номли ушбу китобдан йигирмадан ортиқ избосканлик уруш қатнашчиларининг ҳаётидан лавҳалар ҳамда йигирмага яқин Ватан учун жанг қилганлар ҳақидаги маълумотлар ўрин олган.

# МАҲМУДЖОН РУСТАМОВ



Маҳмуджон Рустамов 1965 йил 27 июнда Избоскан туманининг Қораянтоқ қишлоғида туғилган. Ҳикоялари 1998 йилдан газеталарда чоп этилган. Маҳмуджон Рустамов гарчи соҳа бўйича илм даргоҳини битирмаган бўлса – да, мустақил равишда ўқиб – изланиб, журналистика соҳасида қалам тебратиб, сабр – тоқат қилиши шарофатидан ўзидан ёдгорлик бўлиб қоладиган – китоблар муаллифига айланган аҳли қаламлардандир. Ижодкор айни пайтда туманнинг “Пахтакор” газетасида фаолият юритади. Унда ижодкорликка ҳавас, зиёкорликка интилиш аввало қалбида ватанпарварлик туйғусини уйғотиб, ўзи туғилиб ўсган юрт, унинг меҳнатсевар, ўзаро аҳил – иноқ ҳамюртлари ҳақида бир нималар ёзишни ният қилди. Бу борада аввал кичикроқ бадиа битди ва айнан ана шу битик муаллифнинг мақола, ҳикоя, шеърлардан иборат китобларининг яралишига туртки бўлди. Бугунги кунгача ёзувчининг “Қораянтоқ қўшиғи”, “Бир кам дунё”, “Ўтмишдан ёрқин келажак сари“ деб номланган китоблари нашр қилинган.




821.512
Рустамов, Маҳмуджон. Ўтмишдан ёрқин келажак сари : қисса, ҳикоя ва шеърлар / М.Рустамов ; муҳаррир Б.Хожиматов . Наманган : Vodiy mediya , 2021.- 99 б. ISBN 978-9943-6615-9-2

Ҳар бир шаҳар, қишлоқнинг вужудга келишида ўзига хос тарихи бўлади. Маҳмуджон Рустамов “Ўтмишдан ёрқин келажак сари” номли мазкур китоби Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан яратилган ҳужжатли қисса бўлиб, унда Ватанга бўлган меҳри, муҳаббати, меҳнати ва меҳнаткашликни шарафлаган олижаноб кишилар қаҳрамонликлари тасвирланган. Унинг мазкур китоби аҳли қадрдон ҳамюртларига бўлган меҳр – муҳаббати маҳсули бўлиб, китобдаги воқеа – тафсилотлар муаллифнинг ўзи туғилиб ўсган қишлоғи Қораянтоқнинг йигирманчи аср ва ундан кейинги даврлар ҳаётига оиддир. Шунингдек китобдаги бобларда шўро ҳукумати ҳақида, қишлоқда колхоз тузилишига оид жараёнлар, 1936 йили қишлоқнинг шижоатли, тадбиркор кишилари, Пахтаобод ва Избоскан туманларидаги дастлабки қурилиш ташкилотларининг ташкил этилиши, қишлоққа асос солган сулола вакиллари томонидан экилган ва ёши 300 йилдан ошган бўлса-да, ҳамон яшнаб турган, кўп тарихий воқеаларга гувоҳ бўлган кўҳна “Қайрағоч” хақида ҳикоя қилинади. Мухтасар қилиб айтсак, мазкур китоб Она юртга меҳри, аждодлар хотирасига садоқатини, олийҳиммат инсонларнинг умри боқий эканлигини хусусан ёшларга ибрат қилиб кўрсата олиши билан ҳам эътиборга моликдир.



## ГУЛНОРА МАҲКАМОВА

Гулнора Маҳкамова 1970 йил 3 июнда Избоскан туманининг Чувама қишлоғида зиёли оилада таваллуд топган. 1992 йилда Самарқанд Давлат Университетининг Рус филологияси факултетини имтиёзли тамомлаган. Олийгоҳни битириб, дастлаб қишлоқдаги 27-умумий ўрта таълим мактабида рус тили фани ўқитувчиси бўлиб иш бошлаган.

Гулнора Маҳкамова мактабда турли тўгараклар орқали ўқувчиларини ҳам шеъриятнинг бетакрор олами, адабиётнинг чексиз уммонига жалб эта олган. Ижодкор муаллима шеър, мақола, ҳикоя ва қатралар ёзиб туради. Унинг ижод намуналари туман, вилоят, Республика Оммавий Ахборот воситаларида чоп этиб келинмоқда.

82.521
М-59
Маҳкамова, Гулнора. Юрагимга яқинларим: ҳикоя, мақолалар, шеърлар / Г.Маҳкамова ; муҳаррир Салима Рихсивой ҳожи қизи.- Тошкент: Dizayn-press МЧЖ, 2022.-3




“Ижодни, истеъдодни бежиз булоққа қиёс этишмайди. Дарҳақиқат, булоқ қачондир, қаердандир сизиб, ё отилиб чиққани каби, истеъдод ҳам эртами, кечми, баъзан кутмаган жойда бўй кўрсатади”. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, севимли адибимиз Қамчибек Кенжанинг бу фикрлари худди Гулнора Маҳкамовага айтилгандек. Муаллифнинг ушбу китоби ҳикоя, мақолалар, шеърлардан иборат. Шеър ёзиш осон эмас, қийин, уни ўқиш эса осон. Шеър – фикрнинг ҳис – туйғуларга қоришиқ ифодаси сифатида вужудга келган, ҳаяжонли ички оҳангга эга бадиий асардир. Шеърнинг яратилишида жуда кўплаб ғоявий, бадиий унсурлар иштирок этади. Китобдаги ҳис – туйғуларга қоришиқ ифодаси сифатида вужудга келган, ўттизга яқин шеърларнинг асосий мазмуни Ватан, ота-она, адолат, эзгулик, ҳижрон, айрилиқ ва муҳаббатдир. Юрагига яқин инсонлари ҳақида эса муаллифнинг ҳикоя, мақолаларини ўқиб, билиб оласиз.



## АШУРАЛИЕВА ТУРСУНОЙ

2000 йилда Избоскан туманида таваллуд топган. 2016 йилда умумий ўрта таълим мактабини тамомлаб, Избоскан Ижтимоий иқтисодиёт коллежида таҳсил олади. Турсуной 2017 йилдан Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмаси Андижон вилояти бўлими қошидаги "Бобур издошлари" адабий тўгараги аъзоси. Назм йўналиши бўйича кўп ютуқларга эришган. Турсунойга Андижон Вилояти Ёзувчилар Уюшмаси раҳбари “Шуҳрат” медали соҳибаси Ҳуршидабону Вахобжон қизи ҳамда халқимиз ардоғидаги устоз шоири “Дўстлик” ордени соҳибаси Рислиғой Хотамовалар устозлик қилади.

Унинг 2019 йили "Сен мени билмайсан", "Оққушлар" деб номланган шеърий тўпламлари Тошкент "Наврўз" нашриётида, 2022 йтлда "Тубо" шеърий тўплами Тошкент "Адабиёт" нашриётида чоп этилди. Унинг ижоди инглиз таржимонларининг эътирофига сазовор бўлди ва 2019 йили ўзбек шоирларининг АҚШда чоп этилган Анталогиясида унинг шеърлари ҳам чоп этилди. Биз биламизки, ҳар йили Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан анъанавий "Зомин" семинари ўтказилади. Турсуной 2020 йилда ўтказилган "Зомин" семинарида фаол иштирок этиб, вилоят босқичи ғолиби бўлди.




821.512
А -94
Ashuralieva, Tursunoy. Tubo : She'rlar /
Tursunoy Ashuralieva ; muharrir D.Mingboyeva. –
Toshkent : Adabiyot, 2022. –64 b.
ISBN 978 -9943-8006 -1-8

Шеър шоир қалбида туғилган ҳаётий туйғуларни ифода қилади ва шу билан ўқувчи юрагини ром этади. Шоир ўзи ёнмаса, бошқаларни ёндиролмайди, қалб ҳисларида оташ бўлмаса, бошқа қалбларга ҳарорат беролмайди. Избосканнинг камтарин ва заҳматкаш шоира қизи Турсуной Ашуралиева мана бир неча йиллардан бери ғазаллар, муҳаммаслар, шеърлар, қўшиқлар ёзиб, шеърият муҳлисларини ижоди билан ёндириб, лол қолдириб келмоқда. Шоиранинг шеърларида мусаффо инсоний туйғулар, ички кечинмалар, муҳаббат ва армонни кўриш мумкин. Ушбу китобда тараннум этилаётган мавзулар хилма-хил. Ватан, ота-она, дўстлик мавзусидаги битиклар мусаффо инсоний туйғулар билан қоришган.

**Қайсар эди, сал ўжар, аттанг уни кўрмадинг.**
**Ҳар кун йўлга қараб, сени кутди, келмадинг.**

Ёшлар ўртасида ўз ижоди билан устозлар эътирофига сазовор бўлиб келаётган Турсунойнинг ушбу китоби Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг шеърият кенгаши томонидан нашрга тавсия қилинган. Устоз шоирлар "шеърдан-шеърга ўсиб бориш" иборасини кўп ишлатадилар. Ёш шоира ҳам шу иборага мос маҳорати ўзи билан, қалби билан бирга ўсиб бормоқда.Турсунойнинг шеърлари унинг келажагига умид уйғотади. Ушбу китобни ўқир экансиз ундаги шеърларни кўнглингизга яқин оласиз, шу билан бирга руҳингизнинг ўчган ўчоқларига даво топгандай бўласиз, мудроқ кўзларга унутилган чақмоқлар қайтади. Инсон оламидаги буюк сир – синоатлар, ақл билан англаб бўлмас ноаён ҳаёт кечинмалари каби туйғулар шоиранинг шеърларида мужассам эканлигига гувоҳ бўласиз. Китоб орқали ёш муаллифнинг кўнгил битикларини ўқиб кўриб, унинг ижод булоғидан баҳраманд бўлишингизни истаймиз.

Муҳтарам китобхон! Избоскан адабиёт гулшани вакиллари ўз номи, ўз ўрнига эга, аммо ҳаммасига алоҳида тўхталиш имкони йўқ, шунинг учун биз, ўз ўлкамиздан етишиб чиққан истеъдод эгалари ҳақида сизларга қисқача маълумот бериш билан бирга, уларнинг айрим асарлари билан таништириб, ўқишга тавсия этдик холос. Ижодкорларимиз ижоддан тўхташгани йўқ, уларнинг китоблари талайгина, афсуски ҳаммасини биратўла тавсия этолмаймиз. Кейинги журнал саҳифаларида биз уларни давом эттириш ниятидамиз. ■



# ТАБРИКЛАЙМИЗ!



***Аннотация:*** *Сегодня читатель приходит в библиотеку не только за получением знаний, информации. Библиотека для него – это место культурного досуга, место встреч и общения. И от библиотекаря зависит, придет ли он еще раз, станет ли постоянным читателем. Так что у библиотекаря расширяются функции: он же психолог, педагог, дизайнер, краевед. К тому же писатель и драматург, режиссер, а иначе не осуществить справочно – бибилиографическое обслуживание, не организовать наглядную пропаганду книг, не обеспечить запрос читателя и, конечно, не провести массовое мероприятие. Библиотекарю необходимо постоянно повышать свое профессиональное самообразование. Об этом идет речь в интервью.*

У ҳамиша куч-ғайратга тўла, доимо изланувчан, кутубхоначиликдаги барча янгиликларга қизиқади. У Андижон вилояти ахборот-кутубхона марказининг асосий бўлимларидан бирининг ходими бўлибгина қолмай, “Эртаклар яхшиликка етаклар” ҳаваскорлар театрининг раҳбари, мактабгача ва мактаб таълим муассасаларида кутубхонанинг театрлаштирилган томошалари билан тез-тез бўлиб турадиган меҳмони. Уларнинг мақсади китобни тарғиб қилиш ва оилавий китобхонликни ривожлантириш. Умида Кадирова ўзининг устида тинимсиз меҳнат қилади. Умида касби бўйича чинакам кутубхоначи.

Умида Қодирова, билан суҳбатимиз шу савол билан бошланди.

**“БОБУР КУТУБҲОНАСИ” ЖУРНАЛИ МУҲАРРИРИ:** Умида, сизни табриклашга ижозат беринг яна бир сертификатга эга бўлганингиз билан табриклаймиз. Сиз малакали кутубхоначи ҳисобланасиз, сиз ёшларни китобхонликка жалб қилишда фаолиятингизни инновацион усулларини жорий этишда ҳамкасбларингиздан сезиларли даражада олдиндасиз. Хўш, сизнингча кутубхоначи қандай бўлиши керак?

**УМИДА КАДИРОВА:** Кутубхоначилик касби бу бутун дунё! Ижод, маданият, билим, мулоқот дунёси. Ўқувчиларимиз кутубхоначидан ўзларига керакли маълумотларни, яхши китобларни кутишади, уларнинг хоҳиш-истакларини билиш, талабларини қондириш учун кутубхоначи билимдон, ақлли мураббий, дўст ва энг яқин ёрдамчи бўлиши керак.

**МУҲАРРИР:** Кутубхона касбида сизни кўпроқ нима ҳаяжонлантиради?

**УМИДА КАДИРОВА:** Жамғармага янги, китобхонлар сўраган китоблар келганда, соҳа бўйича берилган ишларни уддасидан ўтганимда, китобхонларга керакли китобни топиб берганимда, қалбни тўлқинлантирадиган адабиётларни кўрганда, турли ёшдаги, турли касбдаги, турли тоифадаги инсонлар билан мутолаа ҳақида суҳбатлашганда ҳаяжонланиб кетаман.

**МУҲАРРИР:** Бугунги кунда китобхонлар кутубхонага нафақат билим ва маълумот олиш учун келишади. Унинг учун кутубхона маданий дам олиш маскани, учрашув ва мулоқот масканидир. яна келадими, доимий китобхонга айланадими, бу кутубхоначига боғлиқ. Шундайми? кутубхоначининг вазифалари кенг қамровли у ҳам психолог, ўқитувчи, дизайнер ва ўлкашунос, қолаверса, ёзувчи ва драматург, режиссёр, актёр бўлиши керак. Акс ҳолда маълумот-

библиографик хизмат кўрсатилмайди, китобларнинг кўргазмали тарғиботини тўлақонли йўлга қўя олмайди, китобхонлар талабларини қондира олмайди ва албатта, оммавий тадбир ўтказиб бўлмайди. Хўш, сиз кимсиз?

**УМИДА КАДИРОВА:** Албатта, хозирги замон кутубхоначиси ўз устида доимий ишлаб бориши, вақти келганда яхши психолог, яхши сценарист, зукко бошловчи, тарғиботчи ҳамда бироз ёзувчи ҳам бўлиши керак. Адабиётлар кўргазмасини ташкил этганда ҳам, оммавий тадбирлар ўтказганда ҳам китобхон қизиқишларини ўргана олиши муҳим деб ўйлайман. Мен кутубхоначилик касбини эгаллашни қарор қилганимдан сўнг бир кун ҳам ўз танловимдан афсусланмадим. Чунки касбим туфайли юзлаб зиёли инсонлар, шоир ва ёзувчилар, изланувчан ёшлар, олимлар, тадқиқотчилар, тадбиркорлар, деҳқонлар, турли касб эгалари билан мулоқотда бўламан. Ҳар бир соҳа учун китоблар кераклигидан завқланаман. Четдан қараганда сокин ва тинч, аммо доимо ҳаёт қайнаётган кутубхонанинг ажралмас қисмига айландим десам муболаға бўлмайди.

**МУҲАРРИР:**

Кичик ёшдаги китобхонларни кутубхонага жалб қилиш, оилавий китобхонликни ривожлантириш мақсадида кутубхоначиларни ёрқин китоблар, қизиқарли машғулотлар, баланд овозда китобхонлик билан қизиқтиради. Айтинг-чи, “Эртаклар яхшиликка етаклар” китобхонлик клубининг машҳурлигининг сири нимада?

**УМИДА КАРИМОВА:**

Маълумки “Кутубхона иккинчи оилам” клуби вилоят аҳолисини кутубхона ахборот хизмати билан таъминлаш мақсадида ташкил этилган. Клуб қошида ташкил этилган “Эртаклар яхшиликка етаклар” йўналишидаги машғулотлар ёш оналарга ҳар томонлама соғлом ва маънан етук фарзандларни тарбиялашга кўмаклашишда, болаларни ёшликдан китобга муҳаббат ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга кўмаклашиб, уларни бўш вақтларини мазмунли ўтказишга ёрдам бериб келмоқда. Клуб машҳурлигининг сири менимча эртак намойишлари орқали мутолаага қизиқтиришда деб ўйлайман.

**МУҲАРРИРИ:**

Болалар билан ишлашда биз "Зарар қилманг" асосий тамойилига амал қиламиз. Бу сизнинг ишингизда нимани англатади?

**УМИДА КАДИРОВА:**

“Зарар қилманг” тамойили бу китобларга зарар етказмаслик, чизмаслик, йиртмаслик, букламаслик, китобни қадрлаш кабилар тушунишмагунча, биз турли ҳикоялар, саҳналаштирилган эртак намойишлари орқали болалар онгига сингдириб борамиз. Бу жараёндаги “Китобни асранг”, “Китоблар суҳбати”, “Тиш порошог ва атир совун” ҳақидаги эртаклар жажжи болажонларимизни китоблардан тўғри фойдаланишга, соғлом турмуш тарзига амал қилишга ўргатади.

**МУҲАРРИРИ:**

Ўзингизни ҳақиқий профессионал деб ҳисоблайсизми?

**УМИДА КАДИРОВА:**

Йўқ албатта, ҳали кутубхоначилик сохаси бўйича ўрганадиганларим жуда кўп. Мен хизмат кўрсатиш бўлимида ишлайман. Келгусида барча бўлимларнинг иш фаолиятларини, соха янгиликларини ўрганишга ҳаракат қиламан.

**МУҲАРРИРИ:**

Ҳақиқий профессионал бўлиш сиз учун нимани англатади? Иш бўйича касбий билимларни доимий равишда такомиллаштириш учун сизда бундай имконият борми?

►

**УМИДА КАДИРОВА:** Ҳақиқий профессионал кутубхоначи керакли малака ва тажрибага эга бўлиши, янги лойиха ва янгиликлар ярата олиши керак. Китобларни севиши, фойдаланувчиларнинг талаб ва истакларини инобатга олган ҳолда ахборот ресурсларини нафақат излаш, балки сифатини ҳам баҳолай олиши, мослашувчан фикрлаш қобилиятига эга, мулоҳазали, замон билан ҳамнафас инсон ҳамда китобхон манфаатларини қўллаб-қувватловчи ва амалга оширувчи инноватор бўлиши керак. Саволингизга ҳа албатта имкониятлар етарли десам муболаға бўлмайди.

**МУҲАРРИР:** Интервю учун раҳмат. Сизга омад ва китобга хизмат қилишда ижодий муваффақиятлар тилайман.










# КИТОБХОН УНИВЕРСИТЕТИ
# УНИВЕРСИТЕТ ЧИТАТЕЛЯ

## Сиз билан бирга !
## Зиё истаган қалблар учун !

## Экспертлар ўқишга тавсия этади

### Бой бўлишни хоҳлайсизми?

Ким ҳам омади чопган тадбиркор бўлишни орзу қилмайди. Аммо бунинг учун орзуни ўзи етарли эмаслигини биламиз. Хўш қандай қилиб бизнесда муваффақиятларга эришиш мумкин. Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон вилояти ахборот-кутубхона марказида ана шу ҳақда машҳур ёзувчилар, таниқли бизнесменлар, тадбиркорликда юксак натижаларга эришган ишбилармонлар томонидан ёзилган кўплаб китоблар мавжуд. Эрик Риснинг “Тежамкорлик стартапи”, Жон Ф.Лавнинг Mc-Donald's “Бигмак сири”, Максим Батировнинг “Сотувчининг қоидаси”, Нозим Аҳмедов, Бахтиёр Аҳмедов, Эркин Қўлдашевларнинг “Тадбиркорлик ва бизнес асослари”, Напалон Хиллнинг “Ўйла ва бой бўл”, Джефф Уокернинг “Бизнес старт”, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг менежмент ва бизнес асослари, Робин Шарманинг “Ўз тақдирингизни кашф этинг” китоблари ана шулар жумласидандир. Афсуски бизнесда ютуқларга эришишни орзу қиладиганларнинг кўпчилиги бу хазиналар дурдоналаридан бехабарлар. Мен мазкур мақола орқали уларни кутубхонага келиб, тадбиркорликни бошлаш ва кўзланган мақсадларга эришишда дастури амал бўлиши мумкин бўлган китобларнинг айримлари ҳақида қисқа маълумотлар бериб ўтмоқчиман.



**Тўлқин Сиддиқ**
Ўзбекистон журнаслистлар ижодий уюшмаси аъзоси

Робин Шарманинг “Феррари” сини сотган роҳиб билан ўз тақдирингизни кашф этинг: бестселлер китоби 2022 йили Тошкентдаги “Зукко китобхон нашриёти” матбаа уйида ўзбек тилига таржима қилиниб, чоп этилган. Уни ўқиб чиқсангиз ҳаётингизни яхши томонга ўзгартириш учун зарур маслаҳатни оласиз. Сиз қўлга киритишни орзу қилган ҳамма нарса ўзингизда эканлигини тушуниб етасиз. ►

Робин Шарма лидерлик ва шахсий муваффақиятларга эришиш технологияси бўйича дунёдаги етакчи мутахассислардан бири. Унинг китоблари 36 давлатда нашр этилган ва дунё бўйлаб бўйлаб энг кўп сотилган.




"Бизнес старт" китобининг муаллифи ДЖефф Уокер дунёдаги етакчи тадбиркор ва маркет ўқитувчиларидан. Ҳаммаси хотиним Мери уйга йиғлаб келганидан сўнг бошланди,- деб ёзади муаллиф. ....чунки у бизнинг оиламиз учун жавобгар бўлишидан чарчаган эди. Энди бу болалар уйғонмасдан олдин ҳар куни эрталаб ишга боришдан ва кечқурун улар ухлашга ётадиган вақтда қайтишдан холи қуриганди.

Мен болаларга қараб ўтирардим. Джефф Уокер бир неча йил аввал бир корпорацияда ҳизмат қилиб, ишдан бўшаганлиги ва карерасига чек қўйганлиги, пул топиш хотинининг зиммасига юкланиб, ўзи уй хўжалигини бошқарадиган эрга айлангани ҳақида ёзади.

Бундай вазиятни ўзгартиришим керак эди, -деб ёзади муаллиф. Оиламни қўллаб-кувватлаш хотинимга дам бериш учун қандайдир бир йўлни ўйлаб топишим керак эди.

У ниҳоят компьютер сичқончаси тугмасини босиб электрон почтаси орқали хабар жўнатишга жураъ этади.

"Юбориш" тугмасини босганимдан сўнг, ҳар бир сония асрлар каби чўзилиб кетгандай туюлди... Кимдир менинг янги маҳсулотимни сотиб оладими йўқми, шуни билишим керак эди.

У 30 сониядан сўнг электрон почтасини очиб кўрганда бўм-бўш эди. Орадан 59 сония ўтиб ниҳоят биринчи сотув пайдо бўлди. Сўнг янада кўпроқ. Ҳар бир саҳифа янгилангандан кейин янги буюртмаларга кўзи тушарди. Бир соат ичида умумий савдо ҳажми 8000 долларга етади. Кун охирига келиб 18000 дан ошди. Хафтанинг охирига келиб эса унинг кичкина камтарона таклифлари 34000 АҚШ долларидан кўпроқ даромад олиб келди. Бу корпорацияда ишлаб топган йиллик даромадга тенг эди.

Орадан бир неча ой ўтгач бизнесга қўл урган ишбилармоннинг умр йўлдоши Мери иши билан хайрлашиб, енгил тортиши мумкин бўлди. Энди Мэри нафақат болаларининг тарбияси билан шуғулланар, балки ДЖеффнинг бизнес ҳужжатларини юргизишга ҳам ёрдамлашарди.

"...Ҳаётимга ва кўплаб шогирдларимнинг турмушига бойлик фаровонлик олиб келган нарсаларни сиз билан баҳам кўрмоқчиман",- деб муаллиф китобхонга мурожаат этади. – Аммо пул, моддий бойлик бир кечада сеҳрли равишда пайдо бўлмаган. Унинг замирида маълум бир усул, формула ётади. Бу китоб сизни саҳна ортига таклиф этади ва ўша формулани намойиш этади. Ўз бизнесингизни бошлашингиз учун инвестиция ёки бошланғич капитал деярли талаб қилинмайди ва лойиҳани ўзингиз яшаб турган хонада ёки ошхона столида ишга туширишингиз мумкин.

Муаллиф ҳаммасини ўз тажрибаларидан келиб чиқиб, ҳикоя қилади. Шубҳаланаётганларга журъатли бўлиш ва ишга жиддий ёндошишга киришишга дават қилади. Унинг махсулотлари минглаб интернет тадбиркорларига ўз бизнесларини қандай ташкил этиш ва ривожлантиришни ўргатиб келмоқда.

Менинг биринчи бизнесим даромадини 5 миллион долларгача етказиш учун 4 йил керак бўлди, - дейди муаллифнинг шогирди. "Hot Topic Media" асосчиси ва туркумли интернет тадбиркори Эбен Пеген, -Джефф Уокернинг маҳсулотни ишга тушириш моделидан фойдаланиб бизнесимнинг биринчи йилида ушбу миқдор – бозорда мутлақо янги ўрин олиш имкониятига эга бўлдим. Джефф маркетнинг янгиликларидан бирини ишлаб чиқди.

PoyEdwards.com асосчиси ва ношири Рей Эдвардс шундай дейди. Агар мен интернетда бизнесни қандай яратиш, қуриш ва ривожлантириш ҳақида сўз юритадиган битта китобни тавсия этишни сўраса Джефф Уокернинг китобини кўрсатган бўлардим.

Агар сиз дунёни ўзгартирувчи молиячилар ҳақида билмоқчи бўлсангиз, албатта Фахриддин Содиқ томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, Тошкентдаги “Info Capital Books” нашриётида мазкур ном билан чоп этилган китобни ўқиб чиқинг. Унда Адам Смит, Анн Робер, Жак Тюрго, Матер Роттильд, Майкл Потер, Чан Ким, Алексей Кудрин, Андрей Шлейфер каби турли йилларда яшаган, ҳар бирининг фаолияти ўзига хос мувофаққиятли тасодифий бўлмаган буюк молиячилар ҳаёти ва фаолияти хақида билимларга эга бўласиз.

Ричерд Темпларнинг “Бой бўлиш қоидалари” китобини ўқиганмисиз? Кутубхонага боринг ва албатта уни варақланг.




Одатда бойликка қандай йўл билан эришиш мумкин эканлигини тасаввур ҳам қилмай, бу ҳақда фақат назарий фикр юритамиз. Биримиз дангасалик қиламиз, яна биримиз қонуний йўл билан бойликка эришиб бўлмайди, деб баҳона қидирамиз. Шундайлар борки улар тақдирга тан бериб, камбағаллигича қолиб кетадилар.

Ёлғонни яшириш жуда қийин. Универсал ҳисобланувчи микронфодалар ва микросаъи-харакат бўлган имо ишоралар ҳар доим ёлғонни фош қила олади. Эдман Полнинг “Ёлғон психологияси” китоби алдовни фош қилишдан манфаатдор бўлган барча: сиёсатчилар, ишбилармонлар психологлар, менеджерлар, касбий ва шахсий ҳаётда фирибгарлар қурбонига айланишни истамаган ҳар бир киши – кенг оммага мўлжалланган.

Питер Друкер ва Жозеф Макяреллонинг “Ҳар куни Друкер билан” китобини самарали менежментни бошқариш бўйича қўлланма дейиши мумкин.




Унда мотивация ва вақтни бошқаришда 366 та маслаҳат билан танишамиз. Китобнинг ҳар бир саҳифасида йирик харфлар билан битилган тақдирларни, кейин эса мухтасар изохларни ўқийсиз: менежмент, инвестиция ва тадбиркорлик: қарорлар қабул қилиш; янги ишчи кучи; зиён билан фаолият кўрсатувчи ташкилот менежменти ва ҳоказо.

Ҳар бир саҳифа остида қолган бўш жой менинг назоратимда китобимнинг муҳим қисми. Ўқувчи бу жойга ўз фикр мулохазаларини ёзиб бориши мумкин, деб ёзади-Питер Друкер.

Вилоят ахборот-кутубхона маркази биносига киришингиз билан ўнг томондаги залда ҳуқуқий ахборотлар сектори жойлашган. Сектордан тадбиркорлик ва ишбилармонликни ҳимоя қилувчи, турли сабабларга кўра қийин аҳволга тушиб қолган ва ҳуқуқи поймол этилган барча қонуний ёрдам кўрсатишга оид китоблар, қўлланмалар, газета ва журналлар жой олган.

Ҳурматли Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2024 йил “Ёшлар ва бизнесни қўллаб қувватлаш” йили деб номланиши бежиз эмас. Мамлакатимиз иқтисодиёти, халқимизнинг турмуш фаровонлиги тадбиркорлик ва бизнес вакилларининг билими, тажрибаси, фаолиятининг самарасига боғлиқ. Бунинг учун эса жахонда мазкур соҳа бўйича ривожланишнинг, янгиликлар, кашфиётлар билан яқиндан танишиб, бизнинг илғор вакиллари ҳақида ва уларнинг фикрлари баён этилган китобларни ўқиб ва уқиб бориш зарур. ■



# ПОДАРИТЕ ДЕТЯМ СЧАСТЬЕ



**Касымова Наргиза Дилмуратовна**

Доцент, кандидат психологических наук Андижанского государственного института иностранных языков

Формирование жизнеспособного молодого поколения – одна из главных стратегических задач нашей страны, компьютер и интернет внесли в нашу жизнь не только новые возможности, но и проблемы для наших детей: дети, скачивая готовые рефераты, перестали читать, а значит и думать.

Модными становятся курсы по скорочтению (динамическому чтению), и многие родители не понимают, что чтение по опорным ключевым словам применимо только в отношении научной или учебной литературы, а умение читать, сопереживая герою, требует совершенно других технологий, которые и призван раскрыть для родителей это пособие.

Многие считают, что ныне компьютер вытесняет книгу, однако наоборот–сегодня, как никогда, для освоения новых информационных технологий требуется качественное чтение.

Именно дом, а не школа, является наиболее важным образовательным учреждением в стране, и самые важные наставники – родители, а не учителя.

Книга «Родительское собрание по детскому чтению» (Сборник «Родительское собрание по привлечению школьников к чтению». Составитель Т.Ж.Жукова, РШБА, - Москва 2023 год.) предлагает целый комплекс информационно-методических материалов, разработанных лучшими российскими специалистами по чтению, например, сценарий проведения общешкольного родительского собрания для директоров школ и классных руководителей, а также рекомендательные списки и памятки для родителей, отражающие «золотую полку» и ядро современного книжного потока, сценарии конкурсов «Папа, мама, я – читающая семья», тесты и викторины по чтению и другие материалы.

Материалы сборника помогут найти эффективные механизмы вхождения в родительскую среду, чтобы родитель стал помощником и библиотекаря, и педагога в деле приобщения детей к книге и чтению.

В побуждении мотивации к чтению книг большую роль играют родители. Чтобы ребенок читал, надо, чтобы рядом с ним был читающий родитель, а еще лучше – читающий вместе с ребенком родитель. Пусть дети видят, как сами родители читают, как они с удовольствием цитируют интересные мысли, поступки героев, смеются над юмором автора, делятся с родными о прочитанном. Эти примеры могут стать заразительными для них.

Хорошо, если привычка к

семейному чтению станет ритуалом проведения каждодневного совместного досуга в определенное время дня или вечера. Желаю успехов на пути становления детей в образованное попокление. ■

# ЖИЗНЬ, ОТДАННАЯ СЛУЖЕНИЮ ОТЕЧЕСТВУ



## АШУРОВ ИРГАШ АШУРОВИЧ
## ( 1917 – 1992 г.г.)

Иргаш Ашурович Ашуров - яркий советский, узбекский государственный и партийный деятель. Стоявший, в том числе, у истоков становления в Узбекистане межхозяйственной кооперации, интенсификации колхозного и совхозного производства, повышения его уровня путем перевода на промышленные рельсы, от чего зависело решение таких важных социальных задач, как развитие колхозно-кооперативной собственности и ее сближение с государственной, постепенное устранение существенных различий между городом и кишлаком.

Иргаш Ашурович, окончив Ферганский педагогический институт, в период с 1935 по 1944 годы работал учителем неполной средней школы, затем преподавателем педагогического училища, заместителем заведующего областным отделом народного образования. С 1944 по 1950 годы он работает на комсомольской работе. Проявленные организаторские способности, лидерские качества были оценены государством и обществом, и в 1961 он назначается первым секретарем Андижанского областного комитета КП (б) Узбекистана. Ашуров И.А. всегда был на одном из важных направлений партийной и народнохозяйственной работы. Так, 1961 по 1962 годы в Андижанской области была проведена большая организационная работа по реструктуризации территорий области в связи с упразднением Наманганской, Ферганской областей и передачей части районов и городов в Андижанскую область.




И под его руководством всего за один год был осуществлен огромный обьем работ по организации госуправления новыми территориями, совершенствованию функциональных структур и кадрового потенциала области.

В 1963 он назначается заместителем председателя Исполнительного комитета областного Совета, позднее председателем Исполнительного комитета областного Совета. ►



По инициативе руководителя республики Узбекистан Ш. Р. Рашидова Иргашу Ашуровичу была предложена должность управляющего Андижанским областным трестом «Колхозстрой», которым Ашуров И.А. управлял почти 10 лет.

Под его руководством трест достиг высоких результатов. Учитывая его руководящий талант, умение управлять человеческими и государственными ресурсами, опыт, в 1974 году он назначается уже председателем Государственно-кооперативного объединения Совета Министров Узбекской ССР по строительству в колхозах.



Иргаш Ашурович и на этом важном направлении управления капитальным строительством в агропромышленном комплексе республики добился эффективных результатов как генеральный подрядчик и по поручению колхозов – пайщиков как заказчик по проектированию и строительству объектов в колхозах.

Ашуров И.А. был человеком высокой порядочности, верности долгу, преданности своему народу и семье. «В детстве мы мало видели своего отца. Он сутками пропадал на работе.

И эти черты трудолюбия, ответственности за поручённое дело, преданности ему нам запомнились на всю жизнь и стали для нас девизом по жизни, как завет отца. Мы с гордостью и признательностью вспоминаем отца и говорим, что всем хорошим в нас мы обязаны своим родителям. Душевная щедрость – это еще одна его отличительная черта характера» - рассказывает его сын, последователь его дела Эркин Иргашевич Ашуров. Именно эти черты характера отметили и избиратели, когда 18 марта 1962 года избрали его депутатом в Совет национальностей Верховного Совета СССР 6 созыва, где ему было доверено с 1962 по 1966 год представлять интересы населения Узбекистана.

Родина высоко оценила его выдающиеся организаторские, трудовые и общественные заслуги, вклад в развитие отечественной экономики и строительства. Иргаш Ашурович обладатель Ордена Ленина, Ордена Трудового Красного Знамени, Ордена «Знак Почёта» и Ордена Октябрьской Революции

Его именем названа и одна из городских улиц Андижана. ■



# АБДУЛЛАЖОН ЖЎРАБОЕВ

**Рассом**

**(1946 - 2024)**



Абдуллажон Жўрабоев Андижон рассомлар уюшмаси аъзоси, амалий санъат ва миниатюрачи рассом, «Бобур мукофоти» ва «Шуҳрат» медали соҳиби 1946 йил 1 июлда Андижон шаҳрининг зиёли оилаларидан бирида таваллуд топган. 1970 йилда Тошкент театр ва рассомчилик институтини аъло баҳоларга тамомлаган.

Рассом тасвирий санъатнинг турли усулларида ижод қилиб, умри давомида ўзи учун янги йўналишларни кашф этиб борди. Абдуллажон Жўрабоев Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб гобилен – гиламларга расм солиш соҳасида фаолият олиб борди ва ривожлантирди. Улуғ ёшига қарамай Абдуллажон Жўрабоев ижодий изланишлар натижаси ўлароқ, ўзининг аввалги бадиий усулларини ривожлантириб, янги технологиялар билан ишлай бошлади. Ландшафт дизайни йўналишида ҳам ўз имкониятини синаб, бу йўналишда ҳам ўз усулиини яратишга муваффақ бўлди.

Истеъдодли рассом чизган асарлари Тошкент халқ амалий санъат музейида, Ўзбекистон тарихи давлат музейида, Андижондаги Бобур номидаги музейда, бир қанча чет мамлакатларида, жумладан, Япония тасвирий санъат галерея музейида, Болгария ва АҚШнинг бир қатор музейларида сақланади

Абдуллажон Жўрабоев 1980 йилда Москва шаҳрида ўтказилган ВДНХ (Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси)да ташкил этилган рассомлар кўргазмасида бронза медалини қўлга киритган. 1993 йилда Халқаро Бобур мукофотини қўлга киритган.

Унинг айниқса, гобилен санъатига оид асарлари жуда ранг-баранг, ўзига хос. Бу усул мамлакатимизда камёб усуллардан ҳисобланиб, ўзининг сермашаққатлилиги ва ўз навбатида санъат шайдоларига ўзига хос завқ бериши билан ажралиб туради.

Унинг айниқса, гобилен санъатига оид асарлари жуда ранг-баранг, ўзига хос. Бу усул мамлакатимизда камёб усуллардан ҳисобланиб, ўзининг сермашаққатлилиги ва ўз навбатида санъат шайдоларига ўзига хос завқ бериши билан ажралиб туради. Рассом яратган санъат асарларини кўраркансан, беихтиёр уларни инсон қўли билан тайёрланганига ишонгинг келмайди. Гиламларда рангларнинг турфа хил жилоланиши, ундаги сюжетнинг маънодорлиги, фалсафий фикрларни ифодалаши билан ўзига тортади.

2004-2023 - йиллар давомида З.М.Бобур номидаги Андижон вилояти ахборот-кутубхона марказида «Рассом» лавозимида ишлаган. Абдуллажон ака кутубхона жамоаси ўртасида катта ҳурматга эга эди. Марказнинг ҳар бир бўлимларининг бадиий безатилишида кўргазмалар тайёрланишида ҳар бир фаслга мос жозиба киритишга, ҳаттоки дарахтларга шакл беришда ҳам уларнинг билими, тажрибаси, ёрдамисиз чиройлик чиқмас эди.

Абдуллажон Жўрабоев умри давомида жуда кўплаб шогирдлар етиштириб чиқарган. Устоз ижодкор 78 ёшида бу дунёни тарк этди. У ўзининг камтарона меҳнатлари билан қозонган ҳурмати барчани ҳамиша қалбларимизда яшайди.



# МУАЛЛИФЛАР ДИҚҚАТИГА!

## "БОБУР КУТУБХОНАСИ" ЖУРНАЛИДА МАҚОЛАЛАРНИ ЧОП ЭТИШ ШАРТЛАРИ

### ҲАМКОРЛИККА ЧОРЛАЙМИЗ

Чоп этиш учун юборилган материал янги ва бошқа илмий нашрларда чоп этилмаган бўлиши ҳамда журнал йўналишига мос келиши керак.

Таҳририят материал журнал йўналишига мос келиши тўғрисида мустақил қарор чиқаради ва чоп этишни рад қилиш сабабларини тушунтирмаслик ҳуқуқига эга.

### Муаллифлар тўғрисида маълумотлар:

Исми, фамилияси, отасининг исми, асосий иш (ўқиш) жойи, илмий даражаси ва унвони, лавозими;

Асосий иш (ўқиш) жойининг почта манзили; телефонлари ва электрон почтаси.

### Мақоланинг тузилиши:

**Номи:** ўзбек, рус тилларида 8 сўздан кўп бўлмаслиги.

### Мақола матни:

**Кириш:** масала (муаммо)нинг қўйилиши, долзарблиги, мақсади, мақоланинг тузилишини тушунтириш.

### Мақолани саҳифалаштириш:

**Шрифт ва ҳажми:** MS word (.doc ёки .docx) форматида, Arial (11 пт.) шрифтда, 1,15 интервал билан. Ҳажми 2-8 саҳифа оралиғида ёки 3000 дан 20000 белгигача бўлиши лозим. Мақола қайси манбадан олинганлиги (ҳавола) кўрсатилиши шарт.

График, чизма ва жадваллар: Excel форматида, суратлар *.jpg, *.png форматида алоҳида файлда юборилиши шарт.

**Телефон:** (74) 223-85-67, (95) 219-48-00

Журналга китоб билан ошно бўлган барча инсонлар, китобхонлар, кутубхоначилар мақола беришлари мумкин.



### ПРИГЛАШАЕМ К СОТРУДНИЧЕСТВУ

Нашим автором может стать любой человек, профессия или увлечение которого связаны с книгой, с библиотекой.

Если вы решили отправить нам материал для журнала то, прежде всего, необходимо проверить соответствие его следующим пунктам:

Материал представляется на одном из языков: узбекском или русском.

Он должен содержать сведения об авторе: имя, отчество и фамилию, место жительства и место работы, контакт (телефон / электронная почта).

Название статьи не должно состоять из более чем 8 слов с предлогами.

Матерял не должен иметь менее 2 и более 6 страниц и быть ранее неопубликованным или представленным в другом СМИ. При обнаружении нарушения данного условия, материал снимается с опубликования.

Файл с материалом должен быть представлен в формате документа Microsoft Word, при этом рисунки и таблицы размещаются в тексте после ссылок на них, т. е. вся информация должна быть в одном файле. Статьи и другие материалы, представленные в редакцию, не возвращаются.

Шрифт текста: Arial, размер шрифта 11, межстрочный интервал 1,15.

Все страницы должны быть пронумерованы, иллюстрации, графики и таблицы расположены в соответствующих местах в тексте.

Каждый рисунок, график,таблица должны быть дополнительно представлены отдельным файлом в формате: *.jpg, *.png.

## З.М.БОБУР НОМИДАГИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ АХБОРОТ-КУТУБХОНА МАРКАЗИ

## ЎҚИШГА ТАВСИЯ ЭТАДИ

**Аёл қисматидан қиссалар** : тўплам / Тўпловчи ва таржимон: Р. Жабборов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2022. -336 б. ISBN 978-9943-20-925-1




Ушбу китобдан Шарқнинг уч мамлакатида аёл зотига, аёл қисматига бўлган муносабат акс етган учта асар жой олган. Мазкур асарлар турли муаллифлар томонидан, турли даврларда, турли тилларда битилган. Аммо мавзу бир, моҳият айни, тақдирлар ўхшаш. Албатта, бу билан қайсидир элни, қай бир мамлакатдаги тузум ёки тутумларни айблаш фикридан йироқмиз. Аммо бу асарларни ўқиш асносида халқимизнинг «бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил» маъқоли эсга тушса ажаб эмас.

**Сафарли, Элчин. Мен албатта қайтаман...** ёхуд ҳаёт шундай гўзалки, ҳатто унинг ичида чинакам ҳаёт ундан-да кўпроқ / Элчин Сафарли ; – Тошкент: Sharq-ziyo zakovat, 2021. – 288 б. ISBN 978-9943-6748-1-3




"Мен албатта қайтаман..." — давр руҳини тасвирлаган роман бўлиб, Сафарли бир тақдир қиссаси орқали бахт излаб Шарққа йўл олган бутун бир рус қизлари авлодининг ҳаёт йўлини баён қилиб беради.

**Шомансурова, Раҳима. Миллат қизига :** Публицистика / Раҳима Шомансурова ; муҳаррир: Г. Мирзаева. – Тошкент : Янги аср авлоди, 2022. – 224 б. ISBN 978-9943-20-903-9




Оилада руҳий мувозанатни, гўзал муносабатни, файзу баракани Аёл яратади. Китоб оқила, комила, руҳияти тиниқ, феъли кенг, назари тўқ, сабру қаноатли оналаримиз, бувиларимизнинг эъзозга, бахтибекамлик шарафига эришиш йўлидаги беназир мушоҳадалари, ибратли ҳаётлари ҳақида. Оиланинг юзи, ифтихори, фариштаси бўлиш ниятидаги қизлар! Ушбу китоб айнан сиз учун!

# Келгуси сонда:
# В следующем номере:

**Тарихга муҳрланган тарихчи олим**

**Ахборот-кутубхона фаолиятида ижтимоий тармоқларнинг ўрни**

**XXI-аср ёшларини китобхонликка жалб этиш**

**Мунаввар юрт фарзанди**

**Ижодкорнинг шарафли йўли**

